*Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi*



# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2023-yil 21-iyul №28 (4739)

***Ҳар қандай жамият тараққиётида ҳал қилувчи ролни ушбу жамиятнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ривожланиши ўйнайди. Шунинг учун ислоҳотларимизни кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш масалаларида биз замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ғайратли, ташаббускор, ҳар томонлама ривожланган ёшларимизни ўзимизга таянч деб биламиз.***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари**

## Зомин тоғларидан бошланар парвоз

**Илк сатрини битаётган ижодкор ўзи очаётган янги дунёнинг остонасида турганини ҳис этмоғи қанчалик фараҳбахш. Ватанга садоқат, халққа муҳаббат туйғулари шу остонада куртак ёзиб, умуминсоний қадриятларга эврилади. Санъатнинг сеҳри ҳам шунда – у ўз соҳибини улуғлаб, номини мангуликка муҳрлайди. Ёшлик руҳи билан ҳамоҳанг бўлганида эса, сўз санъатининг парвози янада юксалади, биз яшаб турган дунёни турфа рангларга тўлдиради. Ёшлик шижоати билан яралган асарлар тунда долғаланган ой шуълалари, тонг саҳарда шудрингли япроқ юзига тушган илк қуёш нурлари сингари гўзал бўлади.**



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ташкил этилган Зомин семинар-кенгаши шу тариқа сара истеъдод эгаларини етказиб бериб, адабиётимизнинг бугунги тараққиётини, келажагини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зомин тоғларининг эпкинлари эсиб турган дилбар гўшаларга юртимизнинг турли ҳудудларидан келиб шеър ўқиётган, насрий, публицистик асарларини устозлар муҳокамасига тақдим қилаётган ёш истеъдод эгаларини олис чўққидан мағурур боққан бургут полапонларига қиёслаш мумкин. Зеро, улар полапонларини юксак қоялардан учирма қилгани сингари беқиёс табиат сирлари, шаршаралар ҳамда қалбидарё одамлар истеъдод эгалари руҳини янада юксак парвозларга илҳомлантиради. Ниятлар, тилаклар, дуолар ижобат бўлади – Зомин тоғларидан бошланган парвоз самоларни кўзлайди. Ёшларнинг тоза руҳи, самимияти, очиқлиги ва энг муҳими, ижодий камолотга интилишлари бу дилбар гўшаларга янада файз бағишлайди.

1997 йилдан бошлаб давом этиб келаётган ёш ижодкорларнинг Зомин адабий анжуманлари адабиётимизга жуда кўплаб иқтидор эгаларини етказиб берди. Устозимиз – Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов лутф этганидек, “Энг муҳими, ҳеч бир лофсиз, баландпарвоз гапларсиз, баралла айта оламизки, оққан дарёларимиз оқиб турибди экан. Айни чоғда ёшларимизга баъзи топшириқларимиз ҳам йўқ эмас. Инсон ўз қалбини қанчалик тадқиқ этса, ўша қалбда яшайдиган Халқ ҳамда Ватан туйғуларини ҳам шунчалик теран ва самимий тадқиқ этмоғи лозим”.

Зомин семинар-кенгашида ҳар гал ёш ижодкорларнинг ижод намуналари билан танишиб, янги истеъдодлар кашфиётига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан бир қаторда Жиззах вилояти ҳокимлиги, турли жамғармалар, муассасалар бу ишга камарбаста бўлишади. Шу тариқа, Абдулла ака айтганидек, “Зомин адабий мактаби” деган атама адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин топди.

Шу ўринда эътироф этиш зарурки, Янги Ўзбекистонда адабиётга эътибор давлат аҳамияти даражасига чиқди. Қайси учрашув, қайси йиғин бўлмасин, албатта, Президентимизнинг адабиёт, китоб, таълим, устоз, маънавий камолот, руҳий етуклик ҳақида алоҳида таъкидлаши анъана тусини олди, десам муболаға эмас. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига пойтахтимиз марказидаги Миллий боғда янги бино қуриб берилгани, бу ерда Адиблар хиёбони барпо этилгани, давлатимиз раҳбарининг мазкур хиёбонга 2020 йил 20 май куни ташрифи давомида берган топшириқлари, Алишер Навоийдан бошлаб Муҳаммад Юсуфгача 24 нафар ижодкорга ёдгорлик ҳайкаллари ўрнатилгани, бу ёдгорлик ҳайкалларига пойтахтимизда жойлашган олий ўқув юртлари масъул этиб белгилангани, олий ўқув юрти доирасида ўзи масъул бўлган ижодкор номида стипендия, нишон ташкил этилиши, илмий тадқиқотлар олиб борилиши, фильмлар яратилишида, китоблари чоп этилишида, музейлари ташкил қилинишида ташкилий жиҳатдан ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланишни ҳис этамиз.

Очиқ осмон остидаги аудитория — Адиблар хиёбони ҳамиша очиқ дарслар билан банд бўлиши, ёшларнинг қадами канда бўлмаслиги, энг асосийси, бу ердаги руҳ барча йигит-қизларнинг қалбига сингишига эришиш ҳаммамизнинг асосий вазифамиз бўлиши кераклиги биз учун дастуриламалдир. Хиёбонда Ҳазрат Навоий юксакликдан туриб, ўз издошларини ортидан эргаштираётгандек, уларга устозлик қилаётгандек туюлади. Адиблар хиёбони оддийгина хиёбон эмас – ўзбек адабиётининг олтин дарвозаси. Бундай маскан жаҳонда кам. Адиблар хиёбонидан таралган нур мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги мактаб-лицейларда, адабиёт масканларида давом этади. Шу маънода, ёш ижодкорлар учун нуфузи ва мақомига кўра том маънода чинакам адабиёт байрамларига айланган анжуманда – Зомин тоғлари бағрида, Ўриклисойдан янграган овозлар бу ерга келиб туташганда янада баландроқ пардаларда жаранглайди, дунёни забт этгудай руҳий қувват касб этади.

Устоз адиблар Пиримқул Қодиров, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Ҳусниддин Шарипов, Турсуной Содиқова, Ҳалима Худойбердиева, Александр Файнберг, Турсунбой Адашбоев, Исмоил Тўхтамишев, Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Юсуф, Анвар Обиджон, Абдували Қутбиддин сингари таниқли ижодкорлар бугун орамизда йўқ. Аммо уларнинг овозлари, сабоқлари Ўриклисой қирғоқларида қайта ёдимизга тушади. Барчаси Зомин анжуманининг илк қалдирғочлари қалбида сақланиб қолган. Уларнинг ижодидан тузилган алманах-баёзлар, “Биринчи китобим” туркумидаги




илк китобларида ўша тарихий лаҳзаларнинг излари бор.

Бу йил бизга илк шеърий машқларини тақдим этаётган сирдарёлик Ситора Наимжонова, хоразмлик Сардор Саъдуллаев, тошкентлик Нигора Асқаралиева, наср йўналишида қалам тебратаётган бухоролик Гулзода Ғайратова, навоийлик Озодахон Мардонова, болалар адабиётини ривожлантиришга бел боғлаган андижонлик Дилшода Абдумуталлибова, қашқадарёлик Шоҳида Жўраева, сирдарёлик Сарвиноз Қазақова, бўлажак адабиётшунослар – бухоролик Зарнигор Жумаева, жиззахлик Холида Мусурмонова, сурхондарёлик Шаҳзод Тўхташев, бадиий публицистика соҳасини танлаган навоийлик Дилафруз Қўшоқова, наманганлик Гулсевар Умматалиева, янги таржималари билан абадий дўстлик кўприкларини бунёд этишни ният қилган тошкентлик Мафтуна Умарова, бўлажак драматург бухоролик Шаҳноза Ҳакимова сингари юз нафарга яқин ёш қаламкашларнинг асарларини жамлаб, “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” номли ёшлар баёзини нашр эттирдик. Шунингдек, бу китобдан қорақалпоқ, тожик, рус, қозоқ тилларида ижод қилаётган ёшларимизнинг ижод намуналари ҳам ўрин олган. Ўйлаймизки, ёшлар баёзи уларнинг Зомин тоғларидан бошланажак юксак парвозларга чоғлайди.

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси**

**Шеърий лаҳза**

**Шавкат РАҲМОН**

### ЁШ ЎЗБЕК ШОИРЛАРИГА

Сўзларни қайрайлик,
обдон тоблайлик,
идрок-ла совутиб тағин қайрайлик,
Ўзбекнинг қоракўз болаларига
битта дунё қолсин ҳайратлик.
Битта дунё қолсин мустаҳкам,
эшилган пўлатдай дарёлар қолсин,
Чақилмас тошлардай
бир тоғлар қолсин,
мусаффо хаёллар,
самолар қолсин.
Сўзларни қайрайлик,
дўстлар, жўралар,
ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик:
яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин
болакайлар учун очайлик.
Битта дунё қолсин мустаҳкам,
унга посбон бўлсин ўткир шеъримиз,
токим бу дарёлар бемалол оқсин,
болаларга қолсин жаннат еримиз.
Сўзларни қайрайлик,
тағин қайрайлик,
токим кескир бўлсин бамисли олмос.
Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,
ўткир сўз қолмаса...
ҳеч нарса қолмас.

## ЎРИКЛИСОЙ ЗАВҚИ

**Муҳамматдин АИТЖАНОВ,**
**семинар иштирокчиси:**



– Бу йилги Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарида шеърият йўналиши бўйича қатнашаяпман. Жиззах вилоятининг сўлим гўшаларидан бири Ўриклисой манзаралари қалбимиздан бир умрга чуқур жой эгаллади.

Устозларнинг сабоқлари, мушоиралар, янги дўстлар, ўзаро ижодий муҳокамалар завқи бизни янада жиддий ёзишга, ўқиб-изланишга илҳомлантириши шубҳасиз. Маънан камол топиб, келажакда етук ёзувчи, шоир, адабиётшунос, драматург, таржимон ё публицист бўлиб етишишимиз учун яратилган замин, бугунгидай адабий муҳит қаламларимизнинг чархланишига хизмат қилади.

**Асила ҲАЙДАРАЛИЕВА,**
**семинар иштирокчиси:**



–Ўриклисой завқи, маҳорат сабоқлари чулдираб оқаётган сой шовурига уйғунлашиб, тафаккурни тиниқлаштириб, қалбга илҳом соларкан. Ҳа, Ўзбекистоннинг жаннатмонанд гўшаси экан, бу ерлар. Ёшларга ғамхўрлик қилинадиган, адабиёт ва санъат юксак даражада қадрланадиган шундай юртда туғилганингдан қалбинг фахр-ифтихорга тўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда востока” журналлари бош муҳаррири, шоир Сирожиддин Рауф, таниқли ижодкорлар Салим Ашур, Зебо Мирзаева, Шодмон Сулаймон, Зулфия Қуролбой қизининг маҳорат сабоқлари жаннатмонанд юртимиз, адабиёт ва санъат ҳақидаги тасаввурларимизни тубдан ўзгартириб юборди.

Бир сўз билан айтганда, “Давра ижодкорни тарбиялайди” деган гапнинг маъносини чуқур ҳис қилдим. Бунинг учун, устозларга, қолаверса, анжуман ташкилотчиларига минг раҳмат.

## “АХБОРОТНОМА”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилиши йўлга қўйилган “Ахборотнома”нинг биринчи сони нашрдан чиқди. Илк сон Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, деган пурмаъно сўзлари билан бошланган.

Ахборотномада юртимиз Янги Ўзбекистонда ижод аҳлига эътибор, давлатимиз раҳбари томонидан бу соҳага доир қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижроси – Уюшма ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолияти, Адиблар хиёбони, атоқли устоз адиблар уй-музейлари, Ижод мактаблари, ёш ижодкорларнинг Зомин анжумани ва улар учун яратилган имкониятлар, уюшма поликлиникаси, уюшма муассислигидаги барча нашрлар, “Адабиёт” нашриёти ҳақида қисқа ва мазмунли маълумотлар берилган.

Ёзувчилар уюшмаси тарихи, ташкил топиши ҳамда турли даврларда унга раҳбарлик қилган устоз адиблар тўғрисидаги маълумотлар ҳам адабиёт ихлосмандлари учун ғоят қизиқарлидир.

Умумий ҳолда “Ахборотнома”нинг биринчи сонига мажмуа тарзида тартиб берилган.




“Ҳозирги пайтда уюшмамизнинг ҳар бир куни хотирада узоқ вақт сақланиб қоладиган долзарб воқеа ва ҳодисалар билан тўлиб-тошган. Ҳар куни баҳс ва мунозараларга бой тадбирлар, учрашувлар, мушоира ва янги китобларнинг тақдимотлари бир-бирига уланиб кетади, – деб ёзади уюшма раиси, Халқ шоири Сирожиддин САЙЙИД “Уюшмамиз солномаси” номли сўзбошисида. – Ана шу муҳим саналарни, унутилмас воқеаларни тарихга муҳрлаш, авлодларга безавол қолдириш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ахборотнома” нашрини чоп этишга қарор қилинди”.

“Ахборотнома”ни ҳар чоракда, яъни ҳар уч ойда бир марта нашр этиш мўлжалланган бўлиб, у Ёзувчилар уюшмаси тизимидаги барча бўлинмаларга етказиб берилади.

Мамлакатимизнинг барча шоир ва ёзувчиларини, адабиётшунос олимлар ва шу соҳанинг заҳматкашлари бўлган барча мутахассисларни Ёзувчилар уюшмасининг “Ахборотнома”си нашр этила бошлангани билан кутлаймиз.

Янги нашр барчамизга муборак бўлсин!

**Янги нашр**

## “ЗОМИН ИЛҲОМЛАРИ”




“Sahhof” нашриётида “Зомин илҳомлари” номли шеърлар, ҳикоялар, очерклар, мақолалар тўплами чоп этилди. Тўпламдан Зомин семинарида янграган шеърлар, анжуман таассуротлари асосида ёзилган ҳикоя, очерк, мақолалар ҳамда ижодкорлар дам олишлари ва соғликларини мустаҳкамлашлари учун барпо этилган “НКМК” санаторийсида ҳордиқ чиқарган ёзувчи, шоирлар қаламига мансуб асарлар ўрин олган.

Ушбу китоб уч йилдан буён Навоий кон-металлургия комбинати Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда амалга ошириб келаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Чунончи, 2020 йилда ҳам “Кенгликлар сурури” номли тўплам чоп этилган эди.

– Шеърият, умуман, китоб одамларни фақат яхшиликка томон етаклайди, ўқувчиларга маърифат улашади, маънавиятни бойитади, – дейди лойиҳа раҳбари, “НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов, – китобхонни ватанпарварликка, эзгу ишларга чорлайди. Бугунги кунда “Зомин илҳомлари” каби самимий, халқона асарлардан таркиб топган китобларга эҳтиёж катта.

# Зомин тоғларидан бошланар парвоз

## ШУ ЙЎЛДА БИРЛАШАЙЛИК

***Донишмандлардан бири шундай деган экан: “Бир йилни ўйласанг – буғдой эк, ҳосилини кузнинг ўзидаёқ оласан, ўн йил кейинни ўйласанг – боғ ярат, уч-тўрт йил ўтиб, ҳар йили мева беради. Агар келажак ташвиши билан яшасанг, фарзандларингга яхши таълим-тарбия бер”.***



Шиддат билан ривожланаётган бугунги замон ёшларни юксак билимли, маърифатли, жисмоний ва маънавий соғлом этиб тарбиялаш, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимиздаги ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодий зиёлиларга ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Айниқса, саводли кадрлар масаласи ҳамиша муҳокама майдонида. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлардан оддий бир мисол: корхона ва ташкилот ходимларининг имло қоидаларига нечоғли риоя этишларини аниқлаш мақсадида синов имтиҳонлари асосида ишга қабул қилинаётгани қувонарли, албатта. Хўш, бундай ҳолатларга нима сабаб бўлмоқда?

Деярли ҳар куни ижтимоий тармоқлар орқали махсус гуруҳларда дўстларимиз билан мулоқотда бўламиз. Кўп ҳолларда таъбингизни хира қилувчи чат(ёзишма)ларни кузатиб, эътиборсизлик ҳам эви билан-да, дегингиз келади. Яқинда телеграм ижтимоий тармоғи орқали узатилган хабарга кўзим тушди. Синчиклаб ўқисам, бу хабар Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг таваллуди муносабати билан танлов ташкил этилгани тўғрисида экан.

Шу мавзу юзасидан “ижодкор”лар гуруҳи аъзолари ўртасида қизғин баҳс бошланиб кетди. Нуфузли олий таълим муассасаси талабаларининг айримлари юборган “ижодий ишлар”ини кўздан кечириб, имло хатоларини санаб ўқишга улгурмадим. “Хазрат”, “мутафакир”, “Констутуссия”, “муқадас”, “илим”... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар қандай имло қоидасидан мақсад сўз ёки фикрни тўкис ифодалашдан иборатлиги айни ҳақиқат. Тил ички ва ташқи манбалар ҳисобига бойийди. Биз учун оддий талаффуз этилаётган ҳар битта сўз замирида оламча маънолар борлигини, вақт ўтгани сайин ўша сўзларга қулоқ ва кўзларимиз ҳам мослашиб кетишини юқоридаги фикр исботлайди.

“Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 20-моддасида “Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин”лиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, аксарият ҳолларда юқоридагидек чалкашлик ёки ғализликларнинг гувоҳи бўламиз. Нуфузли олий таълим муассасаларида таълим олаётган айрим талабаларнинг ёзишмаларидаги хатолар ҳақида нима дейиш мумкин? Келажак авлоднинг савияси оддий ёзувлар орқали ифодаланар экан, уларга қандай дашном беришни билмайсан киши.

Яна бир ҳақиқат, “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бузганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Афсуски, бу механизм самарали ишлаётгани йўқ. Тил ёки имло қоидаларини бузганлиги учун жарима тўлаган инсонни учратганимиз йўқ. Абдулла Қаҳҳор айтганидек, йўл ҳаракати қоидаси бузилишидан кимдир моддий зарар кўриши, яна кимдир тан жароҳати олиши мумкин. Ўз она тилидан айрилиш эса, бутун бир миллатнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади.

**Бадиий публицистика**

Баъзи ташкилот раҳбарларининг номидан йўлланаётган хат ва бошқа ҳужжатларда кўплаб услубий ва имло хатоларига дуч келамиз. Раҳбарларни чаласавод дейишдан йироқмиз-у, аммо эътиборсизлик ҳам эви билан, дея эътироз билдиришга ҳаққимиз бор. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 7-моддасида “Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади”, дея таъкидланган бўлса-да, унга кўпчилик амал қилмаётгандек гўё.

Миллий тил — миллий дид, миллий тафаккур, миллий савиянинг асоси. Ўз тили учун қайғураётган миллат дунё халқлари сафида ўз ўрнини, чинакам мустақиллигини асрашга, ҳимоя қилишга жидду жаҳд қилаётган миллат саналади. Шундай экан, барчамиз қонунга ҳурматни, юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантирсаккина мақсадимизга эришамиз. Келинг, шу йўлда бирлашайлик.

**Дилафруз ҚЎШОҚОВА**

*Навоий*

***Боборaҳим мулла Вали ўғли Машраб. У фоний дунёнинг ҳой-у ҳавасларидан юз буриб, нафс аталмиш ички қутқудан қутулишга қодирлик мақомига етган, ўз даврининг Хожа Убайдуллоҳ мулла Бозор Охунд, Ҳидоятуллоҳ Офоқ Хожа эшонлардек пиру комилларидан сабоқ олган, эътиқодига собитликда, элу юртига содиқликда то умрининг поёнига қадар муқим яшаган улуғ зотдир.***



## МАЪРИФАТ ГУЛЗОРИДА

Машраб битикларини ота-боболаримиз қанчалар суюб мутолаа қилишган бўлса, худди шундай ихлосу меҳр бугунги ворислар кўнглида ҳам аллақачон уйғонган. Ахир, даҳрийликка даъваткор вақтлар ортда қолди, динни миллатдан ажратиб бўлмаганидек, миллатни ҳам ўз динидан тондиришнинг ҳеч иложи йўқлигини тан олишни истамаган, зулму зўравонлик билан оғизларга “қулф”, тилларга “тугун” қадашга интилганлар билишмас эдики, Аллоҳдан ато диннинг туғма эркинлигини ҳеч бир куч маҳв этиши мумкин эмаслигини. Шу боис Машраб бобомиз диллардан тилларга ўтиб, истиқлол чоғидагина гўё ҳамюртларга сафдошдай тўла маънода ёруғ юзла юзланди. Шоир қаламига мансуб тароналар кеча-ю кундуз баралла янграмоқда.

Намангандан кетар бўлган Машраб Кошғардан Тошкентга, Туркистондан Жиззахга, Самарқанддан Бухорога ўтди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида қаландар қиёфасида юрди. Ва ниҳоят, Балхда қўним топди. Қайга борса, ўша жойдан дардкаш изладию, дардмандларга дуч келаверди. Зинҳор-базинҳор бундан малол чекмади. Ҳар ерда ҳозиру нозирлик ила дунё машаққатларидан ҳориган шоир халқдан сеҳрли сўзларни аямади.

Машрабнинг ҳақиқатгўйлиги эътироф этилгач, эларо довруғи достон бўлди. Халқни авровчи, бошига минг бир кулфатлар ёғдирувчи мансабпараст нафс бандалари ёши етмишдан ошгану, лекин бечарчоқ чолнинг беаёв зикридан зириллашди, тиғдор фикридан кўрқиб титрашди, токи унинг бошини дор сиртмоғига рўбарў этмагунларича...

Балх ҳокими Маҳмуд Қатағоннинг, бундан 306 йил муқаддам шоирнинг овозини бешафқат йўсинда ўчириш билан беадл кўнгли хотиржам тортгандиру, бу билан ўз номини абадий тавқи лаънатга муҳрлаганини тожу тахт васвасасида англаб етмаган бўлса керак. Халқона оҳангларнинг соҳиби – халқнинг ўзи эса, буюк дардкашига алвидо айтишдан кўра, қалбининг туб-тубига Машраб номини, Машраб назму наволарини аллақачонок жойлаб бўлганди. Асли азал шоирларнинг ижоди қўлёзмалар бағрида асрлардан-асрларга ҳатлаб ўтиши, яшаб қолиши бор ҳақиқат. Аммо “...таваллуди ўшал Намангони”нинг бениҳоя ҳайратомуз барҳаётликни бошдан кечираётганини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор қилолмайди. Унинг шеърларини каттаю кичик ўзи тириклигидаёқ ёдлаб, тилларидан қўймай такрорлаб юришни одат қилишганди. Ҳатто Машраб шахсини авлиё мақомига тенглашиб, кўпдан-кўп афсонаю ривоятлар тўқишганди. Оғиздан-оғизга овозаланган “Қиссаи Машраб”, ошиқона (дунёвий ва тасаввуфий) ғазаллару мухаммаслар, мустазоду мураббаълар миллатдошларимиз учун оила даврасидаги машрабхонлик анжуманларини қизитгандан-қизитганди. Бу дилларда ҳам, тилларда ҳам бобомиз номи, бобомиз назми боқийлик касб этганини англатади.

Шундай толега эришишига эса, унинг улуғ устозлари томонидан берилган билимлар, панду насиҳатлар, айниқса, ўз вақтида ёғдирилган рағбатларнинг етакчи омил бўлгани шак-шубҳасиз. Филология фанлари доктори, профессор Исматулла Абдуллаев айтганидай: “Ўз асарларида мулла Бозор Охунд номини марок билан ёзди. “Қиссаи Машраб” асарида мулла Бозор Охунд билан Машраб орасида бўлиб ўтган суҳбатлар, баҳслар ҳақида ривоят қилинган. У ерда мулла Бозор Охунд “Бузрук киши”, “Ҳазрати эшони мулла Бозор” каби номлар билан тилга олинган”. Унинг устози аввалидан умр бўйи миннатдорлик туйиб яшаганига шеърлари шоҳидлик беради:

*Маърифатнинг гулзори мулло Бозор девона,*
*Ошиқларнинг сардори мулло Бозор девона.*
*Йўқдир асло кийнаси, баҳру уммон сийнаси*
*Нури ҳақнинг ойнаси мулло Бозор девона.*

Пири комилнинг шогирдларига мамнунбахш хислатларидан бири фазлу камолини аён кўрган муридларини ўша пайтдаги илму маърифат дарғалари қўнимлаган кентларга, аникроғи, Бухоро, Самарқанд ва Қошғар томонлардаги ўзига яқин устозлар ҳузурига йўлламасдан қолмаслиги эди. Чунончи, Боборaҳимни Кошғарга – Офоқ Хожа эшоннинг даргоҳига юкунтирганидан ҳам шу одати устуворлигини фаҳмлашимиз мумкин. Бошланғич таълим олган илми толиб, энди етти йил у ердаги синовлардан ўтади.

*Туттум пирни этокин, охир йўлға бошлади,*
*“Йўлда қолган гумроҳ” деб Офоқ Хожам хушлади,*
*Айди: “Кирган бу йўлга ўзлукини ташлади,*
*Ёди била оҳ уриб, икки кўзин ёшлади” –*
*Тинмай айттим саносин, хобу ғафлат қолмади.*

Мумтоз адабиётнинг ранг-баранг жанрларида ижод қилган Боборaҳим Машрабнинг девонию бошқа асарлари маъно-моҳияти, халқона тили, ёрқин бадиий ифодалари билан ўзига хослик бобида алоҳида қимматга эга. Баркамол асарларининг ҳам, шахсиятининг ҳам тарбиявий таъсири беқиёс.

**Гулсевар УММАТАЛИЕВА**

*Наманган*

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**Бадиий публицистика шўъбаси раҳбари:**

*– Тоғ бағридаги бетакрор муҳит ижодкорга ўзгача руҳ, ажойиб ижодий кайфият бахш этади. Публицистика йўналиши бўйича изланаётган ёшларнинг машқлари билан танишдик. Қувонарли жиҳати шундаки улар ўз фикрига эга, қаламга олган мавзусига эътибори жиддий. Аммо айрим иштирокчиларнинг машқларида тақлид ҳам кўзга ташланади. Албатта, ҳар бир ижодкор ўз услуби, овозига эга бўлиши керак. Ишончимиз комилки, публицистикада қаламини синаб кўраётган ёшлар ушбу зарур ижодий жиҳатларга эришишда изланишни давом эттирадилар.*

*Бадиий маҳоратни ошириб, воқеликни ўз назари, ўз ёндашуви билан таҳлил этишга ўрганиш ёш журналистнинг зиммасидаги бирламчи вазифа. Шу маънода Зомин семинари ёш публицистлар сафини шакллантиришда ўзига хос устахона, десак янглишмаймиз. Шу занжир узилмасин, деймиз.*



***Замонавий ўзбек шеъриятида ўз сўзига эга, ўзга бир оламни такрорламайдиган шоирлардан бири, шубҳасиз, Шафоат Раҳматулло Термизийдир. Тангри бандаларини яратаётганда, балки шоирнинг зуваласига унинг киндик қони томган тупроқдан бир-икки чимдим зиёд қўшар. Чунки шоирга у туғилиб ўсган тупроқ меҳри, саховати шу заминда яшайдиган одамларнинг табиати шундоқ кўчиб ўтади. Шоирни ўз диёрининг тирик тимсоли дейсиз. Шу маънода Шафоат Раҳматулло Термизий ижоди ҳам ўзбек адабиётида том маънода Сурхон овози бўлиб янграды.***

## Сурхон элидай бағрикенг шоир

Шоирнинг ўзи шундай ҳикоя қилган эди: “Оиламизда бахшиликка қизиқиш зўр эди. Раҳматли катта акам Бобоқул Раҳматулло ўғли ҳам ўсмирлик чоғлари бахшилик қилиб, дўмбирани маромига етказиб катта маҳорат билан чаларди… Кичик акам Чоршанби бахши Раҳматулло ўғли ҳам муштдайлигидан терма қўшиқ тўқиб дўмбирадан ажралмай қолган эди…

…Менинг шеъриятга, сўз сеҳрига қизиқишимга мана шундай оила муҳити сабаб бўлган бўлса керак, ҳойнаҳой. Айтиш мумкинки, дўмбира менинг илк устозим…”.

Ҳа, у ҳам бахши каби мисралари қуюлиб келаверадиган, гулдураб-гулдураб айтадиган, қалами дўмбира, дўмбираси қалам шоир эди. У қуёш меҳрига тўйинган қайноқ Сурхон заминини, бу заминнинг жануб қуёшидай ҳароратли одамларни беҳад севарди.

1981 йили нашрдан чиққан илк китобини шоир бежиз “Жануб шамоли” деб номламаган. У шамолдек шоир эди. Шамол олиб кирар эди бўғилган давраларга. Шеър ўқиётганда кўзларида, юзларида, оҳангларида бир нималар шамолдек эсарди.

Унинг ижоди билан яқиндан танишар экансиз, ўзбекнинг ўзига хос бахшичилик оҳанглари-ю бир-биридан гўзал қочиримлари ҳайратга солади:

*Оқ ўтовдан отилиб, сўлқиллаб чиқсанг сен қиз,*
*От бошини бурганман, баҳона ичмоқ қимиз.*
*Ибо билан ўтовга бошладинг юзи қирмиз,*
*То қимиз симиргунча қозонда қилдинг “жиз-биз”.*
*Кетай десам қўймадинг янгам бўлиб ўпкалаб,*
*Кайвони момом бўлиб, улайвердинг гапга-гап.*
*Оқсоқол бобом бўлиб, дединг “болам кепсан зап”,*
*Сулув қиз кўзларинг-ла қўйдинг ҳар дам эркалаб.*
*Эй, менинг меҳрибоним – ўзбегим, онажоним,*
*Меҳрингга тортиқ десанг, бераман мана, жоним.*

Бу каби халқчил мисралар бугун ўзбек адабиётининг ноёб дурдоналари, десак муболаға бўлмас.

Шафоат Раҳматулло Термизийнинг юқоридаги мисралари “Ўзбегим, онажоним” қасидасидан. Ошиқ йигитнинг бир қизга самимий муҳаббати-ю ўзбек халқининг нечоғли меҳмондўстлиги, келин қизларнинг пазандалиги, момоларимиз-у боболаримизнинг қайноқ тафти, оқибатлилиги, соддалиги, энг муҳими, Сурхонга хос қадриятлар ушбу шеърга кўчиб ўтиб қолгандек. Шеърдаги оҳанг ҳам ўзига хос. Шоирнинг яна бир шеърида Ислом оламида Сурхон элидан етишиб чиққан олти номдор муҳаддис имомлардан бири Имом Термизий ҳазратларига муножот қилинади. Унда шундай мисралар бор:

*Меросни топташ ҳам маданиятми,*
*Аждодни топташ ҳам маънавиятми,*
*Ёлғонни мақташ ҳам айнул ҳаётми?*
*Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман,*
*Ё, Имом Термизий, сизга қайтаман.*

Шеърда бир миллатнинг бошидан кечирганлари, ўтган асрнинг зулматли кунлари, ўз тарихий сиймоларини сохталаштириш, тарихий обидалари-ю муқаддас қадамжоларидан омборхона сифатида фойдаланиш каби яқин ўтмишнинг аччиқ ҳақиқатлари маҳоратли тарзда мужассамлаштирилган. Шоир шеърларида гоҳ Ватанни, гоҳда табиатни, ҳақни, ҳақиқатни куйлар экан, ижод аҳли хусусида ҳам шундай мисралар битади:

**Адабиётшунослик**

*Шоир ўтди, кунлари йўқ, шомлари йўқ,*
*Ҳақдан бўлак камлари йўқ, комлари йўқ,*
*Ишқдан бўлак ғамлари йўқ, жомлари йўқ,*
*Сўздан бўлак шонлари йўқ, номлари йўқ.*
*Йўқ-йўқ, йўқлик Шафоатга доир ўтди,*
*О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди.*

Ижод аҳли борки, сўз билан тирик. У ичидаги ҳиссиётлари, кечинмалари, оғриқлари ва бахтли масрур кунларини сўзлар орқали ифода этади. Шоир бевосита шеърда сўзнинг нақадар қудратли эканини ва бу қудрат ҳақиқат йўлида бўлса, умрбоқий ижод маҳсуллари адабиёт аталмиш боғда хазон бўлмаслигини чиройли мисоллар воситасида ифодалайди. Шоир ижодидан бундай бир-биридан гўзал мисраларни кўплаб келтириш мумкин, унинг Ватан ҳақидаги гўзал қасидалари халқ орасида қўшиққа айланиб кетган.

**Шаҳзод ТЎХТАШЕВ**

*Сурхондарё*

**Нурбой ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**
**Адабий танқид кенгаши раиси:**

*– Семинар қатнашчилари орасида адабий танқидга қизиқувчи ёшлар сони йилдан йилга ортиб бораётгани қувонарли. Бу йил мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган етти нафар умидли мунаққидга маҳорат сабоқлари ўтилди. Улар билан бадиий асар моҳиятини ҳис этиш, ижодкор лабораториясини ўрганиш сирлари ҳақида қизғин мулоқот қилинди, адабий-танқидий мақолалари уларнинг ўзлари иштирокида муҳокама этилди. Бадиий матн таҳлили юзасидан зарур маслаҳатлар берилди.*

*Бошқа фан соҳаларини эгаллаш учун, асосан, илмий тафаккур талаб этилса, адабий танқидда муваффақиятга эришмоқ учун адабий идрок баробарида эстетик туйғу тарбияси ҳам тақозо қилинади. Бинобарин, ёш мунаққидларни тарбиялашда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқ керак. Муҳими, ўзаро мулоқотларда бўлажак танқидчиларнинг аксарида адабиётга муҳаббат кучли экани ва матнни нозик ҳис этиши кузатилди. Бу эса, уларнинг келажагига умид ва ишонч уйғотади.*

*Ёш мунаққидлар Зомин семинаридаги маҳорат дарсларидан ўзлари учун зарур сабоқлар олганини эътироф этдилар. Умид қиламизки, бундай ижодий мулоқотлар навқирон авлод вакилларининг қалб кўзларини очади, адабий идрок ва бадиий дидни ўстиради.*

## “Бегона” қаҳрамони бегонами?

***Яқинда француз адиби Альбер Камюнинг “Бегона” романини тўртинчи марта ўқидим. Олдинги ўқиганим билан бу сафарги ўқиганим орасидаги қарашларимда фарқ бор. Кеча севганларимни бугун ёмон кўриб қолишга ҳам улгураётган бир пайтда, “Бегона”ям энди аввалгидек туюлмаса керак, дегандим. Йўқ, адашибман. Мерсо, барибир, бошқача.***



“Бегона” – кўп ўқилган, турли хил фикрлар билдирилган асарлар сирасидан. Асарнинг бир жойида Мерсони қоралайдилар, бир жойида оқлайдилар. Асарни оқлаб, бош қаҳрамонни қоралаганлар ҳам топилади. Аслида-чи?

Бош қаҳрамон қоралашга ҳам, оқлашга ҳам муҳтож эмас ва у яхши ёки ёмон ҳам эмас. У ўз ҳаётини ўз танловлари асосига қурган. Умидни тушунса бўлади, умидсизлик эса тушунишга муҳтож.

Бироз бошқачароқ ёндашиб кўрсак.

Мана, масалан, Мерсога одамларга, вазиятларга ҳиссий боғланганлик либосини кийдирсак. Хўш, бош қаҳрамон бошқача, ҳаммамизга ўхшаса, нима бўларди? Асар аввали ҳам мутлақо ўзгача тус оларди, балки. Мерсо онасига кучли муҳаббат билан боғланган, ғамхўр ва меҳрибон, онасига тузукроқ қаролмагани, уни боқолмагани – бир томондан, ишнияm вақтида дўндириб қўёлмагани – иккинчи томондан уни эзиб қўяди.

У атрофидагилар – тоғаси, амма-холаси, қўни-қўшнисининг таъналаридан ҳайиқарди. Демак, у ўша арабни ўлдириб, қатлга ҳукмга этилгунча ҳам ўлимни бир неча бор бошдан кечирарди.

Масъулият ахлоқнинг бир қаноти, баъзида биз уни керагидан ортиқ ҳис этганимиз учун яшаш оғирлик қилади. Камю абсурдининг асоси, унинг Сартр экзистенциализмидан бошқачароқ томони ҳам шу – инсон ҳаётда масъулият ё бирор маъно бор деб билса, адашади.

“Менинг ишимни мени аралаштирмай кўришди” (Мерсо). Аслидаям инсон ҳаётига тегишли кўп ишларни уни аралаштирмай ҳал қилишади. Инсонни муайян қарорларни бажаришга, ўз ҳаётини муаян режалар асосида яшашга ҳукм этишади. Одамлар эса, жимгина яшайверади. Агар улар ўзлари истагандай яшаганларида, эҳтимол, ҳаёти яхшироқ кечарди. Ёмон бўлгандаям, афсуслар кам бўларди. Бандиликдаги ҳаёт жозибали, эркинлик эса хатарли. Улар Мерсодаги эркинликни шу тарика тортиб олишмоқчи эди.

Камю бу ҳаётда маъно йўқ, дейди. Бизнинг назаримизда эса, ҳаёт маънога эга! Бу маъно инсон ботинидаги тангрини инкор қилади, бирор нарсани илоҳийлаштирмайди, эркин нафас ол, дейди одамзодга.

Биз учун эса, ҳаётдаги маъно эмас, Мерсонинг ўзи абсурд. У ҳақ, биз-чи, ноҳақми? Йўқ, шунчаки, биз бу дунёнинг дўзахи эвазига нариги дунёнинг жаннатидан умидвормиз. Яшаш – бизнинг чекимизга тушган мажбурият, қандай яшаш эса, ҳар кимнинг шахсий иши.

Китобни ўқиётган киши дарров сезади: Мерсо фақат қотиллик учун айбланмайди, бу жуда кичик нарса бўлиб қолади унинг олдида. Унинг меҳрсиз фарзандлиги, шаккоклиги учун, виждони учун, ҳа, айнан виждони учун сўнгги чора ўлим эди. Камю ёзади: “Бизнинг жамиятимизда онасининг дафн маросимида йиғламаган ҳар қандай одамнинг ўлимга маҳкум бўлиш хавфи бор. Китобимнинг қаҳрамони роль ўйнамагани учун ҳукм қилинади”.

Уни ҳис қилмаган туйғулари учун қатл этишади. Моҳиятан олганда эса, ҳеч нарса ўзгармайди...

**Зарнигор ЖУМАЕВА**

*Бухоро*

# Зомин тоғларидан бошланар парвоз

## ЮРАКНИ ТЎЛДИРАР ҲУРЛИК ОВОЗИ

### ОНА ТИЛИМГА



Ҳайратлар олами дилда яширин,
Заминнинг нафаси кўзларимда жо.
Қалбларни қамрасин абадий тилим,
Даҳшатли сукутдан асрасин Худо!

Сен-ла басталанар хаёллар сози,
Гўзал макон топди руҳимда ором.
Юракни тўлдирар ҳурлик овози,
Кўҳна жимжитликни сўзлар этиб ром.

Мен ҳам қаддим ростлаб, кезиб илмингда,
Тилим, юртлар кўрган кўзинг бўлсайдим.
Онам, онагинам, мўъжаз дилингда
Туғилган биргина сўзинг бўлсайдим.

* * *

Мен ёзай, сиз ўқинг мириқиб
Хаёлда гуллаган битикни.
Юрагим ғам босган, ишқилиб
Сўзим тикми?!

Кўзингиз қадаманг қаламга,
Севса-ку, ўзига эрк бермас.
Сўнг рашк-ла мен ёзсам аламдай,
Бу шеърмас!

Сал нари борсангиз яхшироқ,
Ҳисларим туймасди бахт исин.
Дардларга кўниккан дил қаро
Бу жисмим.

– Ёрдамми? Шарт эмас, йўқ, раҳмат,
Қайғулар безаса, бас, бўлар.
Қоғозда энг гўзал сукунат
Бахт бўлар.

Мен ёзай, сиз ўқинг мириқиб
Ҳис этиб ҳар бир гап, сўзимни.
Мен тинглаб, қадайин бу интиқ
Кўзимни.

**Ситора НАИМЖОНОВА**
*Сирдарё*

### ВИСОЛ



О, Ҳисор бағрида унган наъматак,
Беором руҳимга даволар айла.
Мен хаёлинг олиб сойга чопаман,
Сен ҳам эчкиларинг сой томон ҳайда.

Янги китоб олдим –
Ўлжас Сулаймон!
Сенга ўқиб бергум Белла ҳақида.
Чопоним барини ерга тўшайман,
Елкамга бош қўйиб тинглайсан шеърлар.

"Ёзда бир қиз келди жануб шаҳарга,
Бир жуфт кокилида бир жуфт оқ бантик.
Кўҳликкина қиз,
исми унинг Белла..."*

Адирда уфурган ялпиз ифори,
Тулпорлар дупури, қушлар шовқини.
Қўнжимга тўлдириб ғўра зардоли,
Тўйгунча ҳўплаймиз баҳор шавқини.

Юрсанг-чи, дарёнинг ҳув қирғоғида
Булоқ бор, кафтимда қўяман сувлаб.
Ёноғинг апрелнинг қизғалдоғидай,
Япроғинг шамолга совурмам, қўрқма.

Кун бўйи кезинди руҳимизда тонг,
Юзларимга қўнди капалак – ўпич.
"Энам ўлдиради. Ёйилмоқда шом",
Кунботар томонга боқдинг фаромуш.

"Кузатма, одамлар қайтар даладан
Энди мен кетаман хайр, кеч кирар".
Одамлар-ку, майли, гуллаб қўймаса
Энанг қулоғига манов эчкилар.

---

**Ўлжас Сулаймонов сатрлари*

**Муҳаммадали ҒАФФОРОВ**
*Қашқадарё*

### БЕЛГИ



Кўзларим йўлингда, демак, ишонар,
Армонга элтмагай балки бу сўроқ.
Бугун икки шамнинг бириси ёнар –
Висолми, ҳижронми, билмайман бироқ...

Умиднинг қўллари бўйнимдан қучар,
Зумда маҳв бўлажак абадий фироқ.
Бугун икки шамнинг бириси ўчар –
Ҳаётми, ўлимми, билмайман бироқ...

* * *

Бир оҳ яралади қалбимда,
Бир моҳ яралади қалбимда,
Таърифга сиғмаган, ишқ отлиғ
Бир тоғ яралади қалбимда.

Оҳларим кўкариб боғ бўлар,
Дилимнинг гулшани чоғ бўлар,
Хазондай тоби йўқ туйғу ҳам
Дардидан тузалиб соғ бўлар.

Моҳимга термулдим ҳар куни,
У менинг кечмишим, бугуним,
Кўнглимда ўзга йўқ, сен борсан,
Мен борми, билмайман, севгилим?

Тоғ бўлдим тоғимга суяниб,
Ҳижронлар қолдилар куйка-
ниб,
Гар тирик бўлса бу ишқимдан
Бир достон битарди андалиб.

Азоблар – кўринмас оғудир,
Азоблар – юрагим доғидир,
Азобга қолдирма бандангни,
Айни дам муҳаббат чоғидир!

* * *

Гоҳ севги, гоҳ дўстликда
Ишончимни ўлдириб.
Кетдилар юрагимни
Пуч ёнғоққа тўлдириб.

Шу-чун жиловин тортиб,
Ҳушёрлик деган отни.
Пуч ёнғоқларни чақиб,
Ўрганяпман ҳаётни.

**Сардор САЪДУЛЛАЕВ**
*Хоразм*

**Назм**

### СОҒИНЧ



Сенга ёзганларим
Сен ёзганларинг
Кўмилган юракнинг қайси бурчига
Билмайман, нимадир кемтик, ҳам янги
Энди тинч турибди – юрак осуда.
Билганим, энди у бизни ҳис этмас.
Сени яна кўрдим аввалларидек –
Ҳаяжон йўқ эди,
Севги йўқ эди,
Фақат мажбурият
Ёки кўниккан.
Икки юрак зарби эшитиляпти
Балки, аллақачон, қайси замонлар
Сени севар эдим (ҳозир ҳам).
Бироқ, қачондир кўзингга жойлаб қўйганим,
Авайлаб, йилларча асраб туйганим
Ўша муҳаббатни, ўша шафқатни
Пешонамга битган ширин тоқатни
Кўра олганим йўқ
Сезолганим йўқ
Билдимки, бой бердим сўнг илинжни ҳам
Салом-аликлардан ўтмаган суҳбат:
– Оламда бормисан? Ишларинг қандай?
– Ҳар ҳолда юрибман, қандайсан?
– Шундай!
Тамом, мумкин эмас ортиқ сўзлашиш,
Жумлани шартта бўл, олиб қоч кўзни.
Яхшиям, сукут бор дунёда барҳақ!
Сени севганманми, севмаганманми
Лекин янчиб ўтди аллақачон вақт!

**Нигора АСҚАРАЛИЕВА,**
*Тошкент вилояти*



**Ғофир ШЕРМУҲАММАД,**
**ёзувчи, кинодраматург:**

## ЎЗИГА ХОС ТИЗИМГА АЙЛАНМОҚДА

Семинар иштирокчиларининг барчасида – устозларда ҳам, ёш ижодкорларда ҳам кўтаринки кайфият ҳукмрон, турли мавзудаги муҳокамалар қизғин давом этмоқда. Устозлар ёш қаламкашларнинг машқларидаги янги нафасдан мамнун. Ёшлар эса, бадиий изланишлар йўлида уфқлар очилаётганидан, таниқли ижодкорлардан қимматли маслаҳат, йўл-йўриқлар олаётганидан хурсанд.

Зомин семинари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, миллий адабиётимиз равнақига муносиб улуш қўшадиган навқирон авлоднинг истеъдодли вакилларини топиб, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ўзига хос бир тизимга айланмоқда.

Бу йилги семинарга қорақалпоқ, рус тожик, қозоқ тилида ижод қилаётган ёшлар ҳам қамраб олингани анжуманнинг нуфузини оширди, унга мазмун ва жозиба бағишлади.

Тадбирда юз нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Зеро, кейинги йилларда чинакам истеъдод эгаларини аниқлаш мақсадида энг чекка қишлоқларда ҳам изланишлар олиб борилади.

Миллий адабиётимиз ёрқин талантлар ҳисобига бойиб, кучайиб, ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийдиган адабиётга айланиши сир эмас. Шундай эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар навбатдаги Зомин семинарида ҳам тўла-тўкис намоён бўлди. Бағрикенг, тажрибали устозларнинг ёш ижодкорлар билан самимий суҳбатлари, уларнинг илк ижодий машқларига билдирган холис фикр-мулоҳазалари, қимматли маслаҳатлари адабиётимиз навқирон авлодининг бадиий изланишларида жуда асқотиши тайин. Зеро, халқимизда "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар", деган ҳикмат бор. Устозлар бағрини тўлдириб, уларнинг йўл-йўриқларини тинглаб ҳам сабоқ, ҳам ижодий рағбат олган ёш ижодкорлар учун анъанавий Зомин семинари мактаб вазифасини ўтаётгани ғоятда қувонарлидир.

Шу ўринда мазкур анжуманни ташкил этишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан бир қаторда Навоий кон-металлургия комбинати, Халқ банки, Жиззах вилоят ҳокимлиги фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.




**Дилафрўз ҚЎШОҚОВА,**
**семинар иштирокчиси:**

*– Ҳайрат, ҳавас ва ҳаяжон "Зомин – 2023" семинарининг барча иштирокчилари юз-кўзида акс этиб турибди. Устозлар сабоғи, уларнинг фикр-мулоҳазалари, жоиз бўлса, танқид, таҳлиллари бизни сўз салмоғи, савиясини чуқурроқ ҳис этишга ундади.*

*Бадиий публицистика шўъбаси машғулотларини олиб борган Аҳмаджон Мелибоев сингари катта ҳаётий тажрибага эга устозларнинг бетакрор фикр-мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқларию тавсиялари ҳеч бир дарсликда йўқ. Гўзал табиат манзараси фонидаги адабий муҳит ўзгача руҳ, кўтаринки кайфият бағишлайди. Воқеликка нисбатан ҳар кимнинг ўз ёндашуви бўлиши кераклиги, публицистик услуб ва нуқтаи назар ҳақидаги теран мулоҳазалар барчамиз учун янгилик бўлди. Айрим тенгдошларимиз машқларидаги тақлидлару, ўзига хосликлар пухта таҳлиллар орқали кўрсатилиб берилди. Камчиликларимизни тузатиш имконига эга бўлганимиздан хурсандмиз.*

**Муҳаммад ҚОДИР,**
**семинар иштирокчиси:**

*– Драматургия кенгашида ёш ижодкорлар Абдуқаюм Йўлдошев, Ғафур Шермуҳаммаддан маҳорат дарсларини тинглашди. Қаламимиз чархланишида бу йилги анжуман сабоқларининг ўрни беқиёс. Ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган устозларимизнинг йўл-йўриқлари келгуси ижодимизда муҳим ўрин тутиши тайин.*

*Анжуман давомида биз ижодимиз ҳали дастлабки босқичда эканини билдик. Ўз устимизда жиддий ишлашимиз, ўқиб-ўрганишимиз керак экан. Ойнинг ўроғи билан қалам йўнаётган Зомин тоғлари юрагимиздан мустаҳкам жой олиб, сўзимизни ўткир, уфққа туташ сўқмоқларимизни равон қилади.*

### Уй меники деяпти



Ҳовлимизда олма дарахти кўп. Уйимиздаги омбор тўла олма. Бир куни кечаси бувим иккимиз ухлаётганда уйга ўғри тушибди. Бувим мени уйғотибдилар, лекин мен ухлайверибман. Кейин улар отамга қўнғироқ қилиб: "Ўғлим, ўғлим, уй меники деяпти, уй меники деяпти", деган пайтда уйғониб кетдим. Бироздан сўнг отам уйга етиб келдилар. Улар келгунига қадар ўғрилар жуфтакни ростлаб қолибди. Кейин билсам, ҳалиги ўғрилар девор ёнидаги ёнғоқдан ҳовлига тушиб, олмаларни қопга солар экан-да, машинага ортиб, бозорга олиб кетишар экан.

Бувимнинг "Уй меники деяпти", деганлари "Уйга ўғри тушди", дегани экан.

**Иқболхон МУҲАММЕДОВА**
*Тошкент шаҳри*

### Гул дўконида



– Райҳонми?

Гул сотувчи аёл қизга жилмайиб қаради.

– Ифори ўзгача экан, – нимадандир хижолат тортгандек бўлди қиз.

Аёл бошидаги рўмолини тўғрилади.

– Раҳматли турмуш ўртоғим, райҳон ўстиришни яхши кўрардилар, – деди.

Қиз бош ирғади.

Дўконни айланиб, томоша қила бошлади. Соатлар, ипак матолар, ўймакор идишлар, сопол буюмлар, китоблар, сувенирлар.

Унинг эътиборини қатор терилган қўғирчоқлар тортди.

Уларга тикилганча хаёл суриб қолди.

– Раҳматли турмуш ўртоғим, – такрорлади дўкончи аёл, – болаларни яхши кўрардилар.

Қиз бош ирғади.

Яна дўконни айланишда давом этди.

– Қалби пок инсон бўлган эканлар, – деди ўзига ўзи гапираётгандек.

Дўкончи аёл унга яқинлашди.

– Бирон нарса сўрадингизми? – дея қулоғи ортига кафтини ёйиб эшитишга чоғланди.

Қиз бош ирғади.

– Олдим, – деди миннатдор оҳангда. – Раҳмат, Сизга!

Аёлнинг беғубор табассумида қизнинг сўзларига тушунгани акс этди.

Нимадир ёдига тушиб қолгандек ортига ўгирилиб юриб кетди. Зум ўтмай қайтиб келди.

Бир қўлида даста райҳон, иккинчисида қўғирчоқ бор эди.

– Бу Сизга, – дея қўлидагиларни қизга тутқазди.

Бир зумгина иккиланиб туриб қолган қиз иккала қўлини ҳам дўкончи томон чўзди. Шу туришида у она бағрига талпинган гўдакни эслатарди.

**Гулзода ҒАЙРАТОВА**
*Бухоро*

**Наср**

### Тонгни уйғотган аёл



Бу аёл ҳали ҳеч ким уйғонмаган маҳалда тонгни уйғотади.

Кўчаларни супуриб-сидиради, замин юзини очади. Озодалик, тозаликдан завқ олади, орасталикдан кўнгли яшнайди.

Аёл бугун ҳам барвақт турди-да, фарзандлари уйқудан уйғонмасдан маҳалласи бошигача супурди, йўл четларига тўкиб ташланган ахлат уюмларини йиғиштириб, махсус челакка олиб бориб ташлади. Хиёлгина сув сепди-да, уйига қайтди. Нонушта тайёрлаб, ҳаммани уйғотди. Барчасини ишга жўнатгач, яна юмушларига кўмилди.

Мана шу аёл ўғил уйлаб, келин туширди.

Тўйнинг уч-тўрт кунлик тадбирлари тугагач, эрта тонгда кўчага чиқди.

Кўча топ-тоза эди.

У ўзидан ҳам аввал кимдир туриб, кўчани супуриб-сидириб, чиннидек тозалаб қўйганини кўриб, мамнун жилмайди.

Бу ишни худди ўзи бажаргандек қувончи ичига сиғмади.

**Ферузабону МАТКАРИМОВА**
*Андижон*

### Беданами сомса



Ҳалима опа ҳар йили Наврўз байрамини қўшнилари билан кўтаринки кайфиятда қарши олади. Бугун эрта тонгдан кўк сомса пишириш учун хамир қорди. Хамир ошгунча қизи Муслимани аммаси Меҳринисо опаникига седана олиб келиш учун жўнатди. Жажжи Муслима онасининг сўзларини охиригача эшитмасдан, аммасининг уйи томон югурди.

Меҳринисо опа жуда бағрикенг, хушмуомала аёл. У ҳам ошхонада пишир-куйдир билан банд экан, жиянининг овозини эшитиб суюниб кетди. У томон пешвоз чиқиб, буғи кўтарилиб турган бўғирсоқдан Муслимага ҳам илинди.

– Аям сомса пишираётганди. Шунинг учун беданангиздан озроқ бериб юборар экансиз.

Маза қилиб бўғирсоқни паққос тушираётган жиянининг гапларини яхши англай олмаган Меҳринисо опа гап қотди:

– Аянг беданани нима қиларкан?

– Сомсага сепаман, дедилар.

Қақажоннинг нимани сўраганини энди билган аммаси бир ҳовуч седана бериб юборди.

**Ноила ДАВЛАТОВА**
*Жиззах*

# Зомин тоғларидан бошланар парвоз

**Нурия ЧЕЛЕЕН,**
*Туркия*

## КУТИШ

**Ҳикоя**

Нилнинг қони қайнаганди ўша йили. Сарой қалъасининг деворларига келганда, гўё янада тошар, қаҳрли тарсакилар билан қалин тош деворларга уриларди. Ваҳима билан Нилнинг ғазаб-ла оқаётган сувларига қарадим.

Оҳ, Нил! Мен учун бошқачасан. Худди бир нарса олиб келадигандай, нималардир тухфа этадигандай туюласан. Ҳолбуки, ҳар доим орамиздан биримизни олиб кетасан. Бу нечанчи бегуноҳни бағрингга тортишинг бўлади?!

Қўрқувнинг кучи нақадар кескин! Ерга михландим. Миршаббошининг "Айвонда тўпланинглар!" деган буйруғини эшитиб чопдим. Ёқавайрон ҳолатда Алинани олиб келишди. Бир неча ойдан буён Фиръавннинг хизматида эди. Унинг кўнглини олиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Ажабо, нима бўлди экан? Бу содда қиз Фиръавнга нима ҳам қила оларди?

Алина Фиръавннинг хонасидан қувилганда, нима қилиш кераклигини жуда яхши биладиган қўриқчи, биринчи навбатда, қизнинг оғзини ёпди. Мазлуманинг сўнгги нидоси сўзларга кўчмаслиги керак эди. Зотан, барча золимлар, аввало, сўзга тақиқ қўяди. Сўзнинг қудрати буюк! Сўз эди – йўқлик қўлларини борлиққа туташтирган.

Алинанинг Нил рангли кўзларига қарадим. Бу кўзларда қўрқув ва нафрат бор эди. Бу чуқур сукунатдаги фарёдлардан сесканиб кетдим.

"Ҳали жуда ҳам ёшман, яшашни хоҳлайман", деяётган маъсум кўзларнинг кулранг тусидан нафасим қайтди. Нилнинг жиззаки тўлқинлари унинг ваҳима тўла кўзларида акс этарди.

Қўрқув зулмат каби чўкди ичимга. Қалтираётган эдим...

Миршаббоши найзаси билан қизни орқасидан туртди. Қон аввал Алинанинг найза зарбидан парчаланган аноргул рангидаги кўйлагига ёйилди, кейин эса бир чизиқ бўлиб оқди. Адолатдан эди бу. Ёш баданнинг қони аввал тош заминга, кейин қонаган юракларга тушди, анор гули рангида…

Айвон четига яқинлашган сайин Алина миршаббошининг қўллари орасида бир қушча каби питирлар, унинг ўлим хавфи солган қўлидан қочиб ҳавога кўтарилишни, қанот қоқиб учиб кетишни истарди. Барчамиз тош қотдик. Мазлума ва золим курашини томоша қилардик. Марҳамат тилаган инсонимиз билан, нафратланганимиз ҳеч бу қадар ёнма-ён бўлмаган эди. Қўрқувдан барча карахт ва худди тилини ютгандай турарди. Биринчи марта унинг қандай туйғу эканини тушундим. Ўйлаб қолдим, мени қўрқитаётган зулммиди ё золимнинг соясими?! Ажратолмадим. Чунки қўрқаётгандим. Бир бечоранинг типирчилашлари юрагимни омонсиз туйғунинг панжаси билан тирмалаётганди.

Сўзларнинг овози ўчирилган ерда сукут биз учун тил вазифасини бажараётганди. Одамларнинг на гапиришга, на йиғлашга жасорати бор эди. Йиғлаш, "Бунга рози эмасман" дейиш билан баробар. Йиғлаш ноҳақликка қарши бош кўтариш! Зулм гармсел мисоли эсди ва кўз ёшларини қуритди.

Нил ғазаб тўла бир ўкиришнинг шамоли билан янада тошди. Қалблар бегуноҳ ва чорасиз қиз учун қон йиғлади.

Вақт тушдан оғган. Қуёш айрилиқ рангида.

Алинанинг танасидан ҳамон қон оқарди. Миршаббоши унинг қон теккан сочларини чангаллаб олди. Алинанинг пала-партиш сочилган қора сочлари ёшгина баданида бирлашишни истаган умидлари каби эди.

Нил баттар ғазаб отига минди…

Миршаббошининг янаям жаҳли чиқди.

– Қаранг, – деди бир қўли билан тутган нозик жуссани кўрсатиб. – Қаранг ва бундай бўлманг. Фиръавн жанобларини хафа қилганнинг охири вой бўлади, – деди ва айвоннинг четига янада яқин келди. Айвон анчагина баланд, Нил жуда чуқур эди. Қўрққан томошабинлар бир-бириан мадад кутаётган мусичалардай уймалашиб қолди. Кўзлар бу фожиани кўрмаслик учун ёпилди. Миршаббоши ўшқирди:

– Қаранг!

Қайғуга ботган аёлларнинг кўзлари қўрқувнинг совуқ титроғи билан очилди. Сарғайган юзларга ўлимнинг сўлғин ранги урди.

Миршаббошининг жуда кўп марта қонга ботган қўпол, қаттиқ қўллари қизнинг нозикниҳол баданини қисқичдай тутиб турарди.

Вақт учиб борарди. Қуёш жимгина кузатарди...

Аччиқ сукут тилимда айланарди. Ниҳояга оз қолди. Қўрқув кўзлардан тош заминга тушди. Юраклар сўқир. Меҳр-шафқат туйғуси ёниб кул бўлди. Шафқат туйғусидан насибасини олмаган миршаббоши, бир ёш ниҳолни бутун умидлари билан бирга айвон четидан пастга улоқтириб юборди. Аввал сочлари, кейин аноргул рангидаги кўйлаги ҳавога кўтарилди. Нилнинг совуқ сувлари яна бир ёш жонни ўз бағрига олди. Нил Алинага кафан бўлдими ё келинлик либоси? Билмадим.

Вақт юрагимда жимгина йиғларди...

Қуёш ўлимнинг сарғиш ранги билан уфққа сингиб кетди. Кўзларим ҳар доим бизга умид бағишлайди деб кутганим Нилнинг ўз қаърига тортувчи, жон олувчи сувларига қадалиб қолди.

Оқшом кирди. Атрофда қўрқув, ҳавода аноргул рангидаги қизиллик қолди...

**Турк тилидан**
**Мафтуна УМАРОВА таржимаси.**
*Тошкент шаҳри*



## НАЙ НАВОСИ

**Бразилия халқ эртаги**

**Бадиий таржима**

Бир тошбақа дарё қирғоғида най чаларди. Унинг куйини барча ҳайвонлар тинглашарди. Куй остида шер, фил, капалак, илон ва маймунлар рақсга тушарди. Бир куни одам тошбақанинг мусиқасини эшитиб қолибди.

"Оҳ, тошбақа мусиқа чаляпти, шекилли. Тошбақа ҳозир жуда фойдали", – дея ўйлаган одам унга:

– Тошбақа! Ажойиб найингни менга кўрсата қол, – дебди.

Тошбақа секин эшик томон юриб, унга найини узатибди. Одам тошбақани кўриши билан унинг бўйнидан маҳкам ушлаб, югуриб кетибди. Тошбақа ёрдамга чақирмоқчи бўлибди, бироқ овози чиқмабди. У нажот истаб, найини маҳкам қучоқлаб, кўзларини чирт юмиб олибди. Одам уйга келгач, тошбақани қафасга солиб қўйибди. Кейин у болаларига юзланиб:

– Тошбақа қафасдан чиқмасин, – деб тайинлабди.

Ўзи эса далага жўнабди. Болалар ҳовлида ўйнай бошлабдилар. Тошбақа отанинг гапини эслаб, қафасда жим ўтирарди. У найда ажойиб куй чала бошлабди ва болалар қафас атрофига йиғилибди.

– Чалаётган сенмисан, тошбақа? – ҳайрон бўлиб сўрабди кўзлари катта-катта очилиб болалардан бири.

– Ҳа, – деб жавоб берибди Тошбақа.

У чалишни давом эттирибди, чунки куй болаларга жуда ёқаётганини сезибди. Ниҳоят, у куй чалишни тўхтатибди.

– Мен чалишдан кўра рақсга чиройли тушаман, кўрсатайми? – дебди у.

– Оҳ, қани эди-я, – илтимос қилиб қичқирибди болалар.

– Мен сизларга бир вақтнинг ўзида рақсга тушиб, мусиқа чалиб бераман, – дебди Тошбақа. – Лекин қафасни очишингиз керак, чунки бу ер жуда тор, – дебди.

Болакай қафасни очгач, тошбақа рақсга туша бошлабди. Болалар бундай мўъжизани ҳеч қачон кўрмаганлари учун қаҳ-қаҳ отиб, қарсак чалишибди. Кейин Тошбақа тўхтаб қолибди.

– Тўхтама! – деб бақиришибди болалар.

– Оҳ, – деб нола қилибди Тошбақа, – оёқларим шишиб кетди. Қанийди, уларга дам бериш учун бироз юрсам...

– Узоққа кетиб қолма, тез қайтгин, – деб огоҳлантирибди қизча.

– Хавотир олма, тез қайтаман, мени шу ерда кутинг, – дебди Тошбақа.

Тошбақа ўрмон томон судрала бошлабди. Қизча кўздан ғойиб бўлиши биланоқ, дарҳол уйига югурибди. Тошбақани бошқа ҳеч ким кўрмабди. Аммо ҳозир ҳам диққат-эътибор билан тингласангиз, ўрмонда таралаётган най навосини эшитишингиз мумкин.

**Рус тилидан**
**Темур ҲАБИБУЛЛАЕВ таржимаси.**
*Самарқанд*



*2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ*

## БОЛА ҚАЛБИГА ЙЎЛ




...Шоира Иброҳимовна бир воқеани эслади. Эмишки, битирувчи синф ўқувчиларини эплайдиган синф раҳбари топилмай қолибди. Кунда бир муаммо. Бақир-чақир: "Ота-онасини, йўқ, мелисани чақир...". Ундай қилсаям, бундай қилсаям, ўқувчилар ҳеч қолипга тушмасмиш. Ниҳоят, бир ўқитувчи юрак ютиб, "безори"лар синфига раҳбарликни бўйнига олибди. Бир кун, икки кун, ҳафта, ой ўтибдики, муаммо йўқ, синф сув сепгандай жимжит. Ҳамма ҳайрон. Мактаб директорининг сабри чидамай, ўқитувчини чақиртириб сўрабди: "Мана, шунча вақт ўтди, мактабга на бирор ота-она, на бирор орган ходими чақиртирилди. Нима қилдингизки, ҳаммаси бирдан изига тушди?". "Мен болалар орқали уларнинг ота-оналарини тарбияладим, – дебди ўқитувчи. – Қарасам, аксарият ота-оналар ўз фарзандлари билан: "Пул керакми, ма. Кийим-кечак керакми, ма, ол. Нима қилсанг, қил. Фақат мени тинч қўй. Жуда чарчадим. Сен билан кейин гаплашамиз", қабилида муомала қиларкан. Мен бунинг аксини қилдим: болаларни эшитдим, ташаббусларини рағбатлантирдим. Айтганимни қиладиган бўлишди. Ниҳоят, ота-оналар ҳам моддий таъминотнинг ўзи камлик қилишини, фарзандлари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш кераклигини тушунишди. Бор-йўқ сир шу".

– Энди тасаввур қилинг, – фикрини асослайди Шоира Содиқова, – айни илҳоми қайнаб, завқ-шавқи тўлиб-тошадиган ёшда ўқувчини ота-онаси ҳам, ўқитувчи ҳам эшитишни истамаса, у нима қилиши керак? Ўзининг мавжудлиги, борлигини исботлаш, атроф-муҳитнинг эътиборини тортиш учун хаёлига келган ишни қилмайдими? Афсуски, узоқ йиллар мобайнида қоидабозликка асосланган методикамиз билан ўқувчиларни эшитиш, ижодий фикрлаш ва қиёсий таҳлилга ўргатиш ўрнига, уларни қолиплаш билан шуғулланиб келдик. Она тили грамматикаси, қонун-қоидалари, гапнинг эга-кесимига ружу қўйиб, асл мақсад қуруқ гап эмас, тарбия эканини унутиб қўйдик.

Дарҳақиқат, пашша учса билинадиган жимликда дарс ўтадиган қоидабоз ўқитувчи, агар у академик бўлса ҳам, фикр эркинлигини бўғиб, мурғак тафаккурни беихтиёр чегаралаб қўяди. Негаки, дарсда ўқитувчининг фикран гегемонлик қилиши ўқувчини сўзлаш, эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Оқибатда болалар пухта эгаллаган билимларини ҳам тушунтириб беролмайдиган ёки нотўғри ифодалайдиган, ҳеч бўлмаганда, кўпчилик олдида ўз фикрини бараллa айтишдан ё қўрқадиган, ё уяладиган бўлиб қолишади. Чунки оғзаки нутқ, эркин фикрлаш, равон сўзлаш кўникмаси ўзаро мулоқот жараёнида шаклланади. Эшитмасангиз, мулоқот қилмасангиз, ўқувчиларни "роботлаштирган"ингиздан бехабар дарсликдаги қоидаларини қойиллатдим, деб юраверасиз-да. Ана шунинг учун ҳам дарсликларни, хусусан, она тили ва адабиёт дарсликларини янгилаш зарурати пайдо бўлди. Чилонзор туманидаги 202-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шоира Содиқова, ҳали ёш бўлишига қарамай (1982 йил, Хоразмда туғилган), 2022 йилда тамомила янгича форматда ҳаётга татбиқ этилган 6-, 7-синф дарсликларини тақриз қилди.

– Илгари тўғридан-тўғри тил қонун-қоидалари ўргатилар эди, – дарсликларни таққослайди у. – Энди-чи? Айтайлик, "Олинма сўзлар" мавзуси ўтилаётган бўлсин. Ўқитувчи доскага бугунги мавзу "Ижтимоий тармоқлар" ёки "Табиат ва мен" деб ёзади-да, олинма сўзларнинг қоидалари, этимологияси, орфографияси ва талаффузини тармоқдаги матнлар ё инсон ва табиат муносабатларидаги зиддиятлар ва долзарб муаммолар фонида кўрсатиб беради. Ё бирдан "Муҳаббат тушунчаси" деган мавзу ёзилади-да, она – Ватанга, ота-она, оила, бола-чақа, ҳатто мол-дунёга муҳаббат тушунчаларининг ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатлари таҳлил қилинади. Синоним, омоним ва антонимлари, услубияти ва бўёқдорлик хусусиятига кўра, қайси сўз қай ўринда тўғри ё нотўғри қўлланилгани, унинг ўрнига қандай муқобили ишлатилса тўғри бўлиши муҳокама қилинади. Ана шунда ўқувчи амалиёт ва назария кундалик ҳаётда яхлит бир нарсалигини яққол ҳис қилади ва кун тартибидаги масалага фаол муносабат билдириб, ўзи ҳам билмаган, истамаган ҳолда иккинчи, учинчи даражали эмас, биринчи даражали мулоқот субъектига айланиб қолади.

Тўғри, амалдаги услубга ўхшамаган дарс ўтиш методикасини пухта ўзлаштириш ўқитувчидан вақт талаб қилади. Буни яхши биладиган Шоира Иброҳимовна янги дарсликлар тақризчиси сифатида Республика миқёсида телеграм канали фаолиятини йўлга қўйиб, барча она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ўртасида алоҳида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб боряпти. Кези келганда, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам янги дарслик мавзуларига параллел равишда махсус лойиҳани ўқув жараёнига татбиқ қилишлари мумкинлигини амалда кўрсатиб бераяпти.

Ёдингизда бўлса, коронавирус пандемияси даврида онлайн дарслари билан танилган Шоира Содиқова томонидан уч-тўрт ойча аввал "Телебошловчи бўлиб қолсам" лойиҳаси ўтказилганди. Лойиҳа доирасида 7-синф ўқувчиларининг бир-биридан, узоқ-яқиндаги қавму қариндошларию севимли кино ва мульт-қаҳрамонларидан олган интервьюлари ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинганди. Сўз ноўрин қўлланганда юзага келган кулгили ҳолатлар ёки аксинча, интервью таъсирчанлигини оширадиган омиллар юзасидан уларга тегишли маслаҳатлар ва тавсиялар берилган эди. Ўқувчилар бу лойиҳага шунчалик қизиқиб қолишдики, устозининг шахсий телеграм канали уларнинг ижодий ишлари билан тўлиб-тошди. Шоира Иброҳимовна ушбу лойиҳани уй шароитида ҳам онлайн дарс шаклида давом эттиришга мажбур бўлди. Ўқувчилар бунга ҳам қаноатланмай, устозидан оғзаки нутқ бўйича тўгарак ташкил этишини сўрашди.

– Болага эрк берилса, шовқин кўтариб, синфхонани бозор қилиб юбормайдими?

–Бу ёқимли шовқин-суронку, – ажабланади Шоира Содиқова. – Шахс сифатида фарзандларимизнинг ҳам фикрини ҳурмат қилсак, эмин-эркин фикр билдиришларига йўл қўйсак, бунинг нимаси ёмон? Уларни эркин ва ижодий фикрлашга, равон сўзлашга ўргатиш... асосий мақсад эмасми? Лойиҳа жараёнида амин бўлдимки, ўқувчилар вилоятларда истиқомат қиладиган бобо, момоларидан миллий руҳда, ҳеч кимникига ўхшамаган интервьюлар олиш илинжида меҳр-оқибат ришталарини ҳам мустаҳкамлаб олишди. Айниқса, 7-синф ўқувчиси Абдулла Элмуродовнинг Сурхондарёда яшаётган бобосидан "Ёшларга маслаҳатлар" мавзусида олган интервьюси кўпчиликка манзур бўлди. Бир сўз билан айтганда, "Энг зўр китобхон", "Тутилмай гапираман", "Телебошловчи бўлиб қолсам" лойиҳалари орқали ортиқча тортинчоқлик, истиҳола ва ноўрин қўрқув туйғулари ислоҳ қилинди.




Савол туғилади: "Хўш, сизнингча, XXI аср ёшларига муносиб таълим-тарбия берадиган замонавий ўқитувчининг маънавий қиёфаси қандай бўлиши керак?" Суҳбатдошимнинг фикрича, биринчи навбатда, ўқувчига ҳатто хато бўлсаям, эмин-эркин фикр билдириш имконини бериш керак. Ўринли-ўринсиз боланинг оғзига урмасдан: "Тўғри, аммо мана бу фикрни бундайроқ ифодаласа яхшироқ бўларкан" тарзда унинг нотўғри фикрини ҳам асталик ва усталик билан ижобий томонга ўзгартириш мумкин экан. "Демак, аввало, ўқувчини эшита билиш ва рағбатлантириш муҳим экан-да, – деган хулосага келдиму яна ўйланиб қолдим. – Одам ўз боласининг кўнглига эгалик қилолмайди-ку, ўқувчининг қалбига, тафаккурига йўл бўлсин. Дарсдан зерикиб, тоқати тоқ бўлган, бўйи бўйингга тенг маҳмадонанинг бемаъни луқмаларию шумликларига қандай чидаш мумкин?".

– Тўғри, психологик жиҳатдан ўқувчининг диққат-эътиборини 25 дақиқадан ортиқ бир нуқтада ушлаб туриш умуман имконсиз, – дейди суҳбатдошим, худди фикримни ойнали столдаги аксимдан ўқиб олаётгандек. – Ўқувчилар зерикиб қолса, Франческо Череллонинг "Помидор" услубига кўра, синфнинг хаёлини фавқулодда бир қалқитиб олиш керак бўлади. Кутилмаган латифами, футболга оид қизиқроқ маълумот биланми, ўқувчининг хаёлот дунёсини "ўз ўқи"дан чиқариб юбориб, яна мавзуга қайтариш мумкин. Айниқса, юқори синф ўқувчиларини ҳар 15 дақиқада шундай чалғитиб туриш керак бўлади. Одатда мен бир-бирига алоқаси йўқ учта сўз айтиб, шундан гап тузишларини сўрайман. Баъзан ўқувчилардан шундай кулгили гаплар чиқадики, беихтиёр вазият тубдан ўзгариб кетади.

Шоира Содиқованинг синф раҳбари сифатидаги услубиям ғаройиб.

Она-тили ва адабиёт (бусиз бўлмайди, албатта) фанларидан ташқари, яна тўртта, жами олтита фан танлаб олинади. Синф раҳбари тегишли фан ўқитувчиларининг ҳар биридан бештаси мураккаб, бештаси сал осонроқ бўлган ўнтадан, жами олтмишта тест саволини туздириб, жавобларини ҳам белгилатиб олади. Синф ҳар чорак охирида бир мартадан, йил давомида жами тўрт маротаба ихтиёрий равишда имтиҳон топширади. Битта биринчи, иккита иккинчи, учта учинчи ўрин соҳиблари аниқланиб, совриндорлар "Синф раҳбар соврини" лойиҳаси доирасида пул, қимматбаҳо совға ё китоблар тўплами шаклидаги мукофотлар билан тақдирланади.

Аслида отаси, фахрий педагог Иброҳим Содиқов, устозлари Зеваржон Собирова, Гулбаҳор Рўзиметова, ҳамкасби Гулзода Соатова, керак бўлса, ўқитувчи-шогирдлари Маҳлиё Тўхтамишова, Назокат Жумаевадан ўрганганлари ва йигирма йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, у ўзига шундай педагогик усул танлаган. Ҳа, Шоира Содиқова изланувчанлигию топқирлиги сабаб, "Нафосат" ёш қаламкашлар ва ижодкор ўқитувчилар, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловларининг республика босқичлари ғолиби, Халқ таълими аълочиси, Республика илмий-методик Кенгаши аъзоси сифатида жуда тез танилди. "Онлайн мактаб" лойиҳасидаги иштироки учун у "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишони, ва ниҳоят, самарали меҳнатлари боис "Садоқатли хизматлари учун" медали билан тақдирланган.

Ютуқлару эътирофлар бежиз эмас, албатта. "Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим" нақлини шиор қилиб олган суҳбатдошимнинг ҳар бир фикри ўзига хослигини суҳбат давомида ич-ичимдан ҳис қилиб турдим. Аммо мақтовнинг ширин оғулигини ҳисобга олиб, атайин дилимдагини тилимга чиқармадим.

**Шухрат АЗИЗОВ**

# Зомин тоғларидан бошланар парвоз

*Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги буюртмасига биноан Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда яратилган “Абдулла Қодирий” ҳужжатли фильми 2021 йили суратга олинган. Бу фильм пойтахтимиздаги “Адиблар хиёбони”да ёнгорлик ҳайкаллари ўрнатилган ижодкорларга бағишланган “Халқ юраги” туркумидаги фильмлар сирасига киради.*

## Нур ва соялар ўйини

Бошқа ҳужжатли асарлардан фарқли ўлароқ, Умид Ҳамдамов режиссёрлик қилган бу фильмда қуруқ тарихий фактлар ҳамда воқеалар билангина чекланиб қолинмаган. Унда Абдулла Қодирий ҳаёт йўлигина эмас, балки у яшаган муҳит, жамият, шу жамиятдаги инсонлар аҳволи таъсирли, қалбга етиб борадиган даражада кўрсатилган. Бунда Абдулла Қодирий образи идеал қаҳрамон сифатида эмас, борича, бир ижодкор инсон сифатида ёритилган. Қолаверса, фильм мавзусига мос танланган Рауф Парфининг “Ассалому алайкум, дорнинг оғочи” шеърини тинглаб, томошабин ҳар сафар Абдулла Қодирий билан биргаликда дорнинг оғочига руҳан салом беришга мажбур бўлиши фильм таъсир кучини оширган. Фильм томошабин қалбидаги чўғни оловга айлантира олдими, демак санъаткор ўз мақсадига эришибди.

Фильм композицияси пухта ишланган. Ҳар бир деталь ўзига хос метафора ташийди, худди Абдулла Қодирий публицистикаси каби. Ф.Кафка: “Соялар қуёшни тўса олмайди” деганидек, ҳужжатли фильмда нур ва соялар ўйинидан маҳорат билан фойдаланилган. Ҳаёт ранг-барангликдан иборатлиги сир эмас, аммо асарда нега айнан оқ, қора ва қизил ранглар устун? Бу гўё яқин ўтмишнинг мафкураси таъсирида “оқлаб-кўкланган”, “қўшиб-айрилган” саҳифаларидаги ҳақиқат йиллар ўтса-да, ўз рангида бўй кўрсатишига, тўкилган қонлар қанчалик бекитилган бўлмасин, у борган сари қизариб, қора тусга киришига ишорадек.

Асар сюжети янги йил кириб келиши ва уни нишонлаш саҳнаси билан бошланади. 1937 йил… Ҳамма янги йилни эзгу тилаклар билан бошлайди, сарҳисоб эса янги йил эскиргачгина қилинади... Ким билибди дейсиз, ўша ўтган эски йиллар бутун бир миллат хотирасида ҳайқириқ бўлиб қолишини?!.

Кадрлар эски тузумга ишора қилувчи харобага кўчади. Хароба хонани рамзий маънода жамият, қулаган тузум десак, бу хонадаги ҳар бир буюмнинг ўз шивири борлигини сезгандай бўламиз. Тартибсиз тўзғиб ётган буюмлар ичида кўзингиз собиқ иттифоқ герби ва унга ёнма-ён ҳаво тозаловчи мослама(противагаз)га тушади. Шунинг ўзиёқ шўролар салтанатида кир, биқиқ, носоғлом, ҳаёт учун хавфли муҳит мавжудлиги, занглаган болта тўккан қонлар ранги байроққа кўчгани, инсон эрки бор-йўғи ўйинчоққа айланганига ишора қилади.

Аммо йўқотишлар алами азоб бераверади. Минораи Калондан ҳилпиратилган мустамлакачи байроғи бутун миллат маданияти-ю динига чанг сола бошлайди, энди кўзалар бўғзигача тўлган, албон сувлар оқизиб кетаётган дўппиларга муносиб бошни ҳам топиш қийин. Миллат дўпписини улоқтирар экан, ўз бошидан ўзи воз кечаётганини сезганмикан?!

Фильмдаги мана шундай ўринлар ҳам тарихий манбалар яхши ўрганилганидан, замонга хос буюмлар, кийимлар ва умумий муҳит яхши жонлантирилганидан далолат беради. Ҳужжатли фильмдаги кадрлар алмашинуви чатишиб боғланиб кетгани тарих ва хотиранинг бир-бирига ўргимчак тўри каби уланиб кетганига ишора. Улар узвий боғлиқ, ипларни узиш бутун тарихдан воз кечишдек гап.

Ҳужжатли фильмда Абдуллар Қодирийнинг болалик йиллари, бобоси билан боғлиқ хотиралар, турли жанг ўринлари бугунги кунда кинемотографиянинг асосий соҳаларидан бири бўлиб келаётган анимация шаклида ёритилган. Бу эса, фильмнинг ҳақиқат мантиғидан четга чиқмаган ҳолда экранда ажойиб саҳналарни тақдим этишга имкон берган. Айниқса, ўрик гулларининг учиши картинага ўзгача оҳанг олиб кирган.

Ҳужжатли фильмнинг ютуқларидан яна бири актёрларнинг тўғри танланганлиги. Ровий Эркин Бозоров, Абдулла Қодирий ролидаги Элёрбек Атабаев, Калвак махсум ва Тошпўлат тажанг образини ёритган Пўлат Норматовнинг маҳорати таҳсинга сазовор. Айниқса, Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажанг эпизодлари актёр томонидан маҳорат билан ёритилгани эътиборни тортади, унинг юз қиёфаси, қўл ҳаракатлари, овоз ритми образга жуда мос тушган. Аммо актёрлар монологларининг баъзи ўринларида Тошкент шевасига хос сўзлар, қолаверса, Қодирийнинг мақолаларини экранда ёзув орқали тасвирлаётганида уларда айрим имловий хатоликлар учрайди. Бу эса зийрак томошабиннинг эътиборидан четда қолмаслиги аниқ.

“Тарихни билмаган киши ўтмишдаги хатони қайтаришга мажбурдир”, деган эди Цицерон. “Абдулла Қодирий” ҳужжатли фильми ҳам бизга тарихни ўргатиш баробарида бугунимизга ҳам кўзгу тутади:

*Кўр бизнинг аҳволимиз*
*ғафлатда қандай ётамиз?*
*Жойи келган чоғида виждонни*
*пулга сотамиз…*

“…Ёзувчи ўшанда аччиқ ҳақиқат билан тўқнашганди. Сенинг жамиятдаги мавқеинг, ҳаётингдаги фаровонлик катта ёлғонга қанчалик ҳисса қўшганинг билан белгиланар экан. Лекин энди кеч эди”. Ўзбек ойим қора кийиб аза очганди. Харобага айланган хонанинг шифтлари энди очиқ, осмонлари бор, унда панжаралар йўқ. Балки озодликка ташна қушлар аллақачон ҳужрани тарк этгандир?..

**Холида МУСУРМОНОВА**

*Жиззах*






## Ўриклисой илҳомлари

**ЗОМИН ИСТАГИ**

Жиззах заминига киришда бирдан
Қалбларга интиқлик ифорин тарар,
Ўзини кўрсатиб тоғлару қирга
Қуёш яркирар,
қуёш яркирар...

Нур эмган майсалар кўкарган томлар
Минг йилки бағрида ўстирар ниҳол.
Мажнунтол сочига боғлар илҳомлар
Жамалак мисол,
жамалак мисол...

Илоҳга лиммо-лим муҳаббат билан
Сойда бу тошларнинг қулоғи сергак,
Бизларга боқишиб хаёлан, дилдан
Дейди: "шеър керак",
дейди: "шеър керак!"

**Ситора НАИМЖОНОВА**

*Сирдарё*

**ЁНАЁТГАН ТОҒЛАРИГА**

Дардмиди ҳарсанглар, гардмиди тоғлар,
Ҳайқирсам, акс-садо берди бирма-бир.
Қачондир, минг йиллар, милён йил аввал
“Тоғларнинг ҳам руҳи енгил бўлгандир”.*

Ўзимча ифода излайман тошиб,
Йиғласам, сел бўлиб кетади ичим.
Шу майда дардлар деб куйиб кетмайин
Менга ҳам юктиринг тоғ бўлиш кучин.

Бесас яшамоқни ўйлайман кўпроқ
Буюк туйғуларга, дардларга қасам.
Сел бўлиш-ку, майли, ҳеч нарса эмас,
Тоғлар мендан кўпроқ ёнаркан билсам.

**М.Норчаева мисраси*

**Ҳилола ЖЎРАҚУЛОВА**

*Самарқанд*

**ИЗҲОР**

Ўрлаган борлиқда сукунат,
Тўлғонар ниҳоллар кокили.
Нигоҳин беркитар зулумот
Кўк кўшкида булут, сепкилли.

Мусофир қушлардан хабарлар,
Олгандек солланар дарахтлар.
Ногоҳ қуёш сочади зарлар,
Зомин менга тилайди бахтлар.

Эртак мисол дунё, гўёки
Хаёл кезиб юрар тоғларда.
Ичимда борини айтайки,
Кетгим йўқ, менинг бу ёқлардан.

**Сабина РАСУЛОВА**

*Бухоро*



## БОЙИБ БОРАЁТГАН ХАЗИНА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги буюртмасига биноан “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК томонидан “Мангу лаҳзалар” номли ҳужжатли фильмни тасвирга олиш жараёнлари якунига етди. Мазкур фильм Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архивининг 80 йиллиги муносабати билан яратилмоқда.

– Бугунги рақамли технологиялар даврида ҳар бир киши теварак-атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларни мангуликка муҳрлай олиш имконига эга, – дейди Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлар Миллий архиви директори Алижон Маҳкамов. – Хотирамиздан фаромуш бўлиб бораётган нарсаларни фотосуратлар бизга тиклаб беради. Ҳар бир оиланинг фотосуратлар архиви ортда қолган ҳаётнинг шукуҳли лаҳзаларини қайта жонлантириш имконини яратади. Тарихчилар фикрича, муҳим тарихий ҳодисаларнинг асл манзараси ҳам фотосуратлар орқали намоён бўлади. Ўтмиш ҳақидаги маълумотлар, тарихий манбалар, ҳужжатлар, ижодий ишлар ва санъат намуналарини фотосуратлар ўзида акс эттиради. Шунинг учун тарих, фалсафа, ҳуқуқ, социология, сиёсатшунослик, санъатшунослик, журналистика сингари турли фан соҳаларида фотосуратлардан фаол фойдаланишади. Фотосуратлар кўпайиши билан XX асрда бутун дунёда аудиовизуал ҳужжатлар архивлари яратилди. Шу тариқа Ўзбекистонда ҳам давлат фото ва фоно архиви вужудга келди.

Ўзбекистонда биринчи фотосуратлар XIX асрнинг етмишинчи йилларида пайдо бўла бошлади. 1910 йилда Тошкентда ўнлаб фотография уйлари фаолият кўрсатар эди. Уларга талаб эса кундан-кунга ошиб борарди. Бироқ Шарқ менталитетидаги жонлантирилган объект тасвирига ўзига хос муносабат фотографияга оммавий қизиқишнинг кенг тарқалишига изн бермасди. 1900 йилдаёқ Туркистон фотографлари жамияти мавжуд эди. XX аср бошларида Тошкент шаҳри тараққиётининг деярли барча босқичлари фотоархивларда акс этиб қолган. “Тошсельмаш”, “Тўқимачилик комбинати” каби йирик саноат корхоналарининг барпо этилиши, эски ва янги шаҳарлардаги кўркам боғлар, ранг-баранг ҳайкалтарошлик композициялари билан эсда қоларли иншоотларнинг барпо этилиши – буларнинг барчаси урушдан аввалги Тошкент сураткашлари ижодида ўз ифодасини топди. Иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги ва фронт ортидаги ҳаёт ҳам улар туфайли тарихга муҳрланди. Ўзбекистон архивларида фотографик маълумотлар тўпланиб,1935 йилда Октябрь инқилоби марказий архивида фото бўлими ташкил этилишига имконият яратди. Овозли ёзувлар, фото ва кино ҳужжатлари ҳажмининг ортиши, уларни сақлаш ва қайта ишлашнинг ўзига хослиги кино ва фото ҳужжатларнинг ихтисослаштирилган архивини яратиш заруратини туғдирган эди.




Ниҳоят, 1943 йилда тарих, маданият ва санъатга оид маълумотлар манбаи сифатида фотосуратлар, кино ва фото ҳужжатларини бир жойга тўплаш ҳақида қарор қабул қилинди. Марказий давлат кино ва фото ҳужжатлар архиви шу тариқа дунёга келди. Юртимиз тарихида муҳим ўрин тутган бу архив ташкил этилганига эндиликда 80 йил тўлди.

Уруш йилларида кинофотофоно ҳужжатларини тўплаш ва сақлаш нечоғли аҳамиятга молик экани янада яққол намоён бўлди. Архив соҳасида мутахассисларнинг етишмаслиги, малакали ходимларга эҳтиёж юқорилиги сабабли ҳужжатларни тўплаш ва сақлаш жараёнида мураккабликлар келиб чиқиб, муаммолар пайдо бўларди. Жамғарма ташкил этилиши бундай муаммоларни бартараф этиб, ҳозирги кунда аҳамияти ошиб бораётган салмоқли аудовизуал материаллар сақланиб қолишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, юртимизда тарихий аҳамиятга молик воқеликлар кино ва фото ҳужжатларга жамланиб, илмий-техник ишловдан ўтказила бошланди. Бугунги кунда бу ерда XIX асрга ва Иккинчи жаҳон урушига оид фотосуратлар ва ҳужжатлар хроникал кадрларда сақланади. Узоқ вақт давомида текширув ишларини олиб борган ходимлар кўплаб бебаҳо кино ва фото ҳужжатларни аниқлашга эришдилар. Ҳозир архивда 320 мингга яқин ҳужжат мавжуд.Улардан 21 мингтаси киноленталар бўлса, 17 мингтаси аудио ҳужжатлардир. 280 мингдан ортиқ фотографик ҳужжатлар эса бебаҳо хазинанинг бир қисми ҳисобланади. Бироқ қоғоз шаклидаги аудиовизуал ва фотографик ҳужжатларнинг бир муассасада бирлаштирилиши кино ва фото ҳужжатлар билан олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари ривожланишига тўсқинлик қиларди. 1974 йилда архив учун ихтисослаштирилган бино барпо этилгани бундай тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилиш баробарида архив ишини ҳам такомиллаштирди, ҳужжатларни илмий-техник жиҳатдан қайта ишлаш ва улардан фойдаланишнинг илмий асосланган сақлаш режимини таъминлади.

Бугунги кунда бу ерда 1860 йилдан буён йиғилган ҳужжатлар Туркистон ва Ўзбекистон тарихининг ҳақиқий кўзгуси ҳисобланади. Илмий ва маданий-маърифий муассасалар, музейлар, театрлар билан бир қаторда жисмоний ва юридик шахслар ҳам бу ерга ҳужжатларни сақлаш учун тақдим этишади. Тутун детекторлари ва ёнғин ўчириш, ҳарорат ва намлик шароитлари учун иқлим назорати тизимлари ўрнатилган. Деразаларнинг йўқлиги тўғридан-тўғри қуёш нури кирмаслигини таъминлайди. Ёритиш лампалари плафондлар билан қопланган. Архив ходимлари асл нусхалар билан фақат қўлқоп ва халатда ишлайди.

– Сақлаш хонасида сақланаётган керакли фотоҳужжатни алфавит бўйича жойлаштирилган картотека рақамларига қараб тезда топиш имкони яратилган, – дейди архивнинг Ҳужжатлар сақлашни таъминлаш бўлими мудири Шаҳноза Аъзамова. – Албатта, эндиликда уларнинг барчаси электрон тизимга ўтказилмоқда. Фото ҳужжатлар шиша ва плёнкадаги негативлар, қоғоздаги позитивлар, диапозитивлар, фотоальбомлар ва рақамли фотосуратлардан иборат. Ҳар бир негатив қоғоздан ясалган конвертга, позитив махсус қутига, рақамли ҳужжатлар серверлар ва дискларга жойлаштирилади. Ҳар бир ҳужжат учун инвентар мавжуд бўлиб, унда ҳужжатнинг санаси, муаллифи ва матни тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Архивда Худойберган Девонов тасвирга олган XX аср бошларида, Туркистон ўлкасида янгиликка интилган жадидларга, Иккинчи жаҳон уруши фронти ва фронт ортига, Ўзбекистонга ташриф буюрган делегацияларга, оддий одамларнинг кундалик ҳаётига, Пахта теримига оид фотоҳужжатлардан ташқари, маданият, маориф, ўқув юртлари, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётнинг турли жабҳаларига, шунингдек, Шомаҳмудовлар оиласи бағрикенглиги ҳамда зилзиладан сўнг Тошкент шаҳри тикланишига доир қимматли фотоҳужжатлар билан танишиш мумкин.

Кинофотофоноҳужжатлар архивидан иқтисодий, илмий, ижтимоий, маърифий ва маданий мақсадларда кенг фойдаланишади. Фоноҳужжатлардан фойдаланиш учун бу ерда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Экскурсияга келувчилар бой маънавий хазинадан баҳраманд бўладилар. Худойберган Девонов, Малик Қаюмов, Маматқул Арабов, Аҳмад Саидов, Бахтиёр Раҳмонов; Иккинчи жаҳон уруши кадрлари; “Шашмақом”, “Мақом”, Ботир Зокиров, Тамарахоним, Берта Давидова; Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Шуҳрат Аббосов, Қамара Камолова фильмларида акс этган кадрлар тарихийлиги туфайли аҳамият касб этади.



Сценарий муаллифи Дониёр Ғаниев, режиссёр Наврўза Бейназова, режиссёр ассистенти Александр Пинцов, монтажчи Ҳусан Юсупов, оператор Муҳиддин Ҳайитов, овоз режиссёри Абдуқаҳҳор Каримов, мусиқа муҳаррири Жамшид Изомов, картина директори Анастасия Хаванскаялардан иборат ижодий гуруҳга таниқли кинорежиссёр Али Ҳамроев бадиий раҳбарлик қилгани ҳам фильмнинг профессионал чиқишини таъминлашга хизмат қилади. Архив ходимларининг интервьюлари, фото ва фоно ҳужжатларидан намуналар, кино ленталардан тарихий кадрлар томошабинларга қизиқарли тарзда намойиш этилиши мўлжалланган фильмда Ўзбекистон ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони собиқ ўринбосари, 1-тоифали ҳарбий учувчи Мухтор Орипов, Кинофотофоно ҳужжатлари архиви муассасалар ҳужжатларини йиғиш ва баҳолаш бўлими ходими Гулнора Қулматова, етакчи архив ходими Абдулазиз Убайдуллаев, Ҳужжатларни сақлаш бўлими мудири Муҳайё Иброҳимова, Илмий маълумотлар ва услубий ишлар бўлими мудири Зулфия Сулайманова, Мичиган университети докторанти Альберт Каваллаpо, Ҳарвард университети аспиранти Александра Деннетт, Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоатчилик фонди мененжери Искандар Мўминов, Помир ва Тянь-Шань тоғлари тадқиқодчиси, техника фанлари номзоди, спорт ва альпинизм устаси Виталий Ноздрюхиннинг беваси Людмила Ноздрюхина, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги директори Улуғбек Юсупов, Ўзбекистон Миллий архиви директори Дилбар Зокирова, Ўзбекистон Кинофотофоноҳужжатлар Миллий архиви директори Алижон Маҳкамов, фалсафа фанлари доктори, таниқли журналист Шаҳноза Ғаниеваларнинг интервьюлари фильмнинг қизиқарлилигини таъминлашга хизмат қилган.

Бундай қизиқарли ҳужжатли фильмлар мамлакатимизнинг ҳужжатли ва хроникал фильмлар тайёрлашга ихтисослашган етакчи “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК томонидан суратга олиниши ҳар жиҳатдан ибратли ҳисобланади.

**Умида ЯХШИБОЕВА**





*Рафаэль Монти. Маъбуда Веста канизаклари*



*Муҳаббат бюсти*

**Гул кўп, чаман кўп...**



## ОТАЎҒИЛ

Миланлик ҳайкалтарош Рафаэль Монти санъатдаги илк қадамларини отаси ҳайкалтарош Гаэтано Маттео Монти кўмагида Император Академиясидаги сабоқлардан бошлаган. У ёш бўлишига қарамай “Александр Буцефални безайди” номли танловда ғолиб чиқиб, олтин медаль билан тақдирланади.

У ва тенгдошлари итальян ҳайкалтарошлигида XIX асрнинг биринчи ярмида илғор бўлган Ломбард мактабига мансубдир.

У сиёсий қарашлари туфайли Англияга кўчиб ўтгач, самарали ишлаб дурдона асарларини яратади ҳамда мислсиз шон-шухрат қозонади. Монтининг ишлари Қироллик академиясида намойиш этилгач, тез орада мамлакатнинг етакчи ҳайкалтароши мақомига эришади.

Унинг машҳур “Маъбуда Веста канизаклари” асари 1847 йили кўргазма бошланмасидан олдин герцог Девоншир томонидан сотиб олинади. “Ғам туши ва орзу бахти” асари эса ҳозирги вақтда Виктория ва Альберт музейида сақланмоқда.

## МОНТИНИНГ ШАФФОФ МАРМАРИ

Рафаэль Монти санъат оламида мухлисларига “ҳарир мармар” мўъжизасини туҳфа этган ҳайкалтарошлардан энг сараси саналади. Монти ҳамон ўз услуби ва маҳорати билан машҳурлар қаторида тилга олинади.

У янги асар яратиш учун керакли тошларни танлай олиши ва икки қатламли мармарлардан маҳорат билан фойдаланиши билан ажралиб туради. Мармарнинг бир қати шаффоф бўлиб, ҳарир кўринишда бўлган, ички қавати эса асар учун асос вазифасини ўтаган.

## ВЕСТА КАНИЗАКЛАРИ КИМЛАР?

Қадимги Римда маъбуда Веста канизаклари юксак қадрланган. Улар дахлсиз, ота ҳукмидан холис бўлиб, ўзлари мулк сақлаш ва мустақил тасарруф этиш ва бошқа ҳуқуқ ҳамда имтиёзларга эга бўлишган. Канизакларни ҳақорат қилганлар ўлим жазосига ҳукм этилган.

Канизаклар Веста ибодатхонасидаги муқаддас оловни асраш, унинг атрофини тоза сақлаш, Вестага қурбонлик келтириш сингари бир қанча вазифаларни бажаришган. Улар жами олти нафар бўлиб, бирортасининг ўрни бўшаб қолса, 6-10 ёшли 20 нафар қиздан биттаси – насли тоза қизлардан бири сайлаб олинган.

Монтининг машҳур асари ўша канизакларга бағишланган эди.

## “МАРМАР МАТО” УСТАЛАРИ

Санъат тарихида мармардан “ипак ҳарир” яратган усталар кўп бўлмаган. Жаҳон ҳайкалтарошлигида биринчи бўлиб XVIII аср бошларида итальян ҳайкалтароши Антонио Коррадини “Иффат” асарида мармардан мато яратган, деб ҳисобланади. Унинг бу асари князь Раймондо буюртмасига кўра ўз онасининг қабртоши устига ўрнатилган ёдгорлик сифатида ишланган. Антонио яна бир неча ҳарир мармар ҳайкаллар ишлайди ва умрининг охирида бошлаган “Матога ўралган Исо” асарини ниҳоясига етказолмай оламдан ўтади. Унинг ишини истеъдодли ҳайкалтарош Жузеппе Саммартино якунлайди.

Улардан сўнг орадан юз йил ўтиб, XIX аср бошларида Жованни Страцца ва Жованни Мария Бенцони тошни “мато”га айлантирдилар. Уларнинг “Мария бюсти” ва “Ҳарир ортидаги Ребекка” асарлари ҳайкалтарошлик тарихида муносиб ўрин эгаллади. Афсуски, улардан сўнг ҳозиргача бу йўналишда ижод қилган ҳайкалтарошлар етишиб чиққан эмас. Албатта, бу борада ижод қилган ҳайкалтарошларнинг барчасидан ҳам маҳоратли деб эътироф этилган Рафаэль Монтини ҳисобга олмаганда!

**Болалар адабиёти**

**Дилшод РАЖАБ,**
**Болалар адабиёти шўъбаси раҳбари:**

*– Бу йилги Зомин семинарида Болалар адабиёти йўналиши бўйича етти нафар ёш ижодкор иштирок этмоқда. Улар орасида самарқандлик Зубайда Эшпўлатова, қашқадарёлик Шоҳида Жўраева, сирдарёлик Сарвиноз Жўраеванинг ижодий ишлари эътиборимизни тортди. Уларнинг машқларида дунёни болалар нигоҳи орқали идрок этиш, беғубор кайфият, содда, аммо ўқувчини ўйлантирадиган, фикрлашга чорлайдиган хусусиятлар борлиги қувонарли.*

*Шу билан бирга, айрим машқлар ҳали жиддий қусурлардан холи эмас. Зотан, ихчамлик ва болаларча қарашнинг самимийлиги, соддалигини назардан қочирмаслик лозим. Ортиқча сўзлар, зерикарли тафсилотлар болалар диққатини асосий мақсаддан чалғитиб юбориши мумкин. Шеър образли, болалар эътиборини тортадиган даражада содда ва бадиий топилмаларга бой бўлса, уни ёдлаш осонлашади. Шарт шуки, соддалик жўнликка айланмаслиги керак. Семинар давомидаги машғулотларда биз ёш ижодкорларга устоз шоирларнинг болаларга аталган асарларидан мисоллар келтириб, имкон қадар ижод сирларидан уларни хабардор қилишга уриндик.*



# ҚУЁШ БОБО УЙҒОНСА...



***Тожигул***
***ЙЎЛДОШЕВА***

**АЛИШЕРНИНГ ЖАВОБИ**

Беш ёшли Алишерга
Йўлда бергандик савол.
Жавобини эшитиб,
Доно, Ойша – қолдик лол.

“Стол устида бешта,
Бор эди, дедим, олма.
Учтасин опанг олса,
Сенга қанчаси қолар?”

Алишер дер: “Учтага
Опажоним тўяди.
Қолган олмаларни-чи,
Синглим олиб қўяди”.

**БЎШ ВАҚТ**

Бошин эгиб Аброржон
Борди она ёнига.
“Бир айб қилдим билмайин,
Ўйнаб юрган чоғимда.

Кўзгуйингиз синдирдим,
Лек куйинманг, она, хўп,
Отам айтдилар энди
Вақтингиз бўларкан кўп”.

**УЙ ВАЗИФАСИ**

Қўлига олиб дафтар,
Устоз куйиб сўзларди:
“Бекзоджон, вазифангни
Нега аянг бажарди?”

“Ўзга илож йўқ, устоз,
Шундай бўлади ҳар дам,
Бажаради-да ахир,
Сафарга кетгач дадам”.

*Хоразм*



***Сарвиноз***
***ҚАЗАҚОВА***

**ТОНГГИ ТАБИАТ**

Тоғ ортидан мўралар
Қуёш бобо нур сочиб.
Тун чекинар ой билан
Оқ тонгга эшик очиб.

Шамол эсар бир майин,
Майсаларни эркалаб.
Чумолилар меҳнатда,
Ўтади дон елкалаб.

Қушчаларнинг сайраши,
Баҳри дилинг очади.
Укажоним бир яйраб,
Уларга дон сочади.

Капалаклар шўх-шодон
Гуллар билан ўйнайди.
Арилар “виз-виз”лашиб,
Ажойиб куй куйлайди.

Тонгги манзара бирам
Чиройлидир, албатта.
Сеҳргар баҳор фаслин
Кузатаман ҳайратда.

**РАҲМДИЛ БОЛА**

Акам қамаб қўйларни
Жонин қўйди озорга.
Мен: ўйнасин яйраб, деб,
Ҳайдадим буғдойзорга.

Кенг буғдойзор, далада
Қўй-қўзилар маърашиб,
Хурсанд бўлиб ейишар
Ўт-ўланни талашиб.

Менга эгиб бошини
Гўё айтар кўп раҳмат.
Уларни қутқардим-да
Қафасдан, чекиб заҳмат.

Фақат акам хафадай,
Турибди таъби хира.
Пешонаси тиришиб,
Қовоғин очмай сира.

Бошини эгиб аста
Юриб келди мен томон.
Пичирлаб деди секин:
“Бўлади ҳозир ёмон!”

Қўлга олиб калишин,
Қувлаб кетти-е тинмай.
Ура-ур қочиб қолдим,
Айбимни ўзим билмай.

**ШАПАЛОҚ**

Бир куни кеч тушганда,
Ўйнаб “топган-топалоқ” .
Дакки олиб онамдан,
Едим икки шапалоқ.

“Ия, нега?” дейсизми?
Айб ўзимда эди-да.
Али яширинган эди,
Деразанинг четига.

“Кимсан?”– дея тош отдим,
Мен унинг соясига.
Қарс этиб тегиб кетди
Қўшнимиз ойнасига

*Сирдарё*



***Шоҳида***
***ЖЎРАЕВА***

**ЧУВАЛЧАНГ**

Деди кичкина Ориф:
“Мен илонни ушладим,
Теша билан бир уриб,
Тўртга бўлиб ташладим!”

Ҳамма унинг гапидан
Бўлиб қолди ҳангу манг.
Ўша илон аслида
Экан оддий чувалчанг!

**ГАПНИНГ МАҒЗИ...**

Каримжон катталарнинг
Гапига бўлди ҳайрон.
Гапнинг мағзи бўларми
Бу дунёда ҳеч қачон?

Ойисига деди у:
“Гапнинг мағзи бормикан?
Ўзи қандай бўлар у,
Таъми ширин, зўрмикан?".

Ойиси деди кулиб:
“Тушунмайсан бу гапга,
Ўзинг оласан билиб,
Борганингда мактабга!”

**УЙҚУ ВАҚТИ...**

Жажжи Анвар
отасига қарабди,
Сўнг хўрсиниб
аста ундан сўрабди:

“Ҳар кун оқшом
менга эртаклар айтиб,
Ухлатасиз, ахир
бу – қандай тартиб?

Эрта тонгда
эртак айтса бўлмасми?
Ё бошқа вақт
эртак эсга келмасми?”

Ота кулиб,
ўғлига деди шундай:
“Эрта тонгда
эртак айтаман қандай?

Ўғлим, тонгда
эртак айтиш беҳуда,
Ахир, тонгда
бўласан-ку уйқуда!”

*Қашқадарё*



***Дилшода***
***АБДУМУТАЛЛИБОВА***

**ТАРВУЗЛАР ҚИШЛОҒИ**

Ғарқ пишибди тарвузлар
Қишлоғимиз боғида.
Зилол сувлар ичишар
Меҳридарё тоғидан.
Қуёш бобо уйғонса,
Ғайрат кирар фермерга.
Шиддат ила иш бошлар,
Пешона ботиб терга.

Шукроналар қилайлик,
Еру осмон, замонга.
Егингиз келса, келинг,
Тарвузқишлоқ томонга.

**БОБОМ**

Бозор томон боргандик,
Қовун-тарвуз кўп экан.
Деҳқон бобом эл учун
Меҳнат қилиб, тер тўккан.

Кетмон тошга урилиб,
Ўт чақнаб билагидан.
Сепди бобом донини,
Ҳосил мўл керагидан.

Алпомишдек паҳлавон,
Бобожоним миришкор.
Меҳнати зое кетмас,
Ҳар ишда ўзи илғор.

*Андижон*



**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

**Манзилимиз: Тошкент - 100202, Боғишамол кўчаси, 7.**

**Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru**

*Муассис:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир **Ҳумоюн АКБАРОВ**

***Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.***

**Навбатчи муҳаррир Шуҳрат АЗИЗОВ**
**Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА**

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1145 Буюртма Г - 738.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Босмахона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**
**Сотувда нархи эркин.**

ISSN 2181-614X